## ҚОНУНБУЗАР «ТАДБИРКОР»ЛАР

...ўтказилган тадбирда бир неча фуқаролар Шайхонтоҳур тумани «Эски жўва деҳқон бозори» ОАЖ ҳудудидаги катта гумбаз тагидаги ертўлада кўлбола мева шарбати ишлаб чиқариб келганлиги аниқланди.

2 бет

## ҚАНЧА ТЎЛАЙМАН?

Авваллари уй сотилганда олди-сотди шартномасини тасдиқлаб берганлиги учун уй қийматининг ўн фоизи нотариусга тўланарди. Лекин эшитишимча, ҳозир аввалгидек ўн фоиз ундирилмас экан. Шу тўғрими?

9 бет

## ТУГАЛЛАНМАГАН «ОПЕРАЦИЯ»

...хизмат ити тўсатдан олдинги ўриндиқдаги аёлга қараб ҳура бошлади. Пост ходимлари аёлнинг сумкасини текширганида қора пакет ичидан иккита ўрам топилди...

10 бет

## «БОТАНИКА БОҒИ»НИНГ СИРИ

У наша чекканини бўйнига олди. Қўшнисидан қарз сўраб, фалон пулга сотиб олганини ҳам яшириб ўтирмади. Аммо, айнан кимдан харид қилганини аниқ айтиб беролмади.

12 бет


# Huquq

Mustaqillik huquq demakdir

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI BOSH PROKURATURASINING NASHRI

1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan

2008-yil 17-aprel, № 16 (589)


Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

### Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 58-моддасига қўшимча киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2008 йил 21 февралда қабул қилинган

Сенат томонидан 2008 йил 27 мартда маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012-XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, №5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, №5-6, 153-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 12, 656-модда; 2007 йил, № 4, 158, 166-моддалар, № 6, 248-модда, № 9, 416, 422-моддалар, № 12, 607-модда) **58-моддаси:** қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Жиноятга тайёргарлик кўрганлик ҳамда жиноят содир этишга суиқасд қилганлик учун жазонинг муддати ёки миқдори ушбу Кодекс Махсус қисмининг тегишли моддасида назарда тутилган энг кўп жазонинг тўртдан уч қисмидан ошмаслиги керак. Мазкур қоида:

а) ўта хавфли рецидивистларга, уюшган гуруҳ ёки жиноий уюшма аъзоларига нисбатан;

б) тинчлик ва хавфсизликка қарши тамом бўлмаган жиноятлар учун, шунингдек қуйидагилар билан:

жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш билан;

ўн тўрт ёшга тўлмаганлиги айбдорга аён бўлган жабрланувчининг номусига тегиш ёки унга нисбатан зўрлик ишлатиб, жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондириш билан;

ядровий, кимёвий, биологик ва бошқа турдаги оммавий қирғин қуролини, бундай қурол яратишда фойдаланиш мумкинлиги аён бўлган материалларни ҳамда ускуналарни контрабанда қилиш билан боғлиқ бўлган жиноятлар учун жазолар тайинлашда қўлланилмайди»;

**иккинчи** ва **учинчи қисмлари** тегишинча **учинчи** ва **тўртинчи қисмлар** деб ҳисоблансин.

**2-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2008 йил 11 апрель
№ ЎРҚ – 152

САРҲИСОБ

# ҚОНУНИЙЛИК ТАЪМИНЛАНМОҚДА

Қонун устуворлиги ҳуқуқий давлатнинг энг муҳим белгисидир. Фуқаролар ҳуқуқларининг ҳимоя қилинишини таъминлаш эса ушбу тамойилнинг асосий талаби саналади. Бу прокуратура зиммасига катта масъулият юклайди. Шу боисдан ҳам кейинги йилларда прокуратура органларининг ҳуқуқни ҳимоялаш ваколатлари кучайтирилишига устувор аҳамият берилмоқда. Сирдарё вилояти прокуратураси органлари фаолияти ҳам суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларни ўзида акс эттиради. 2008 йилнинг 3 ойи давомида олиб борилган ишларни таҳлил қиладиган бўлсак, ҳудудда қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида муайян ишлар амалга оширилди.

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш фаолияти Республика Бош прокурорининг соҳавий буйруғи ва кўрсатмаларидан келиб чиққан ҳолда ташкил этилди. Бинобарин, жорий йилнинг уч ойи мобайнида соҳа бўйича ўтказилган текширишлар натижаларига кўра 788 та прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди. Хусусан, 12 та ғайриқонуний ҳужжат прокурорларнинг протестлари асосида бекор қилинди. Аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари 113 та тақдимномалар орқали бартараф қилиниб, келгусида қонунбузилиш ҳолатларининг олдини олиш мақсадида 102 нафар мансабдор шахс расман огоҳлантирилди.

Юртимизда кейинги пайтда тадбиркорлик субъектлари эркин фаолият юритишлари учун ҳуқуқий асослар мустаҳкамланиб, барча шарт-шароитлар яратилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Жумладан, тадбиркорлик субъектларини ҳимоя қилиш тизими такомиллаштирилди, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органларининг бу соҳадаги масъулияти янада кучайтирилди. Тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш прокуратуранинг доимий эътиборида турибди. Бунинг самараси ўлароқ, уларнинг фаолиятига ноқонуний аралашувлар тобора камайиб бормоқда.

(Давоми 2-бетда).

СЕМИНАР

*Жорий йилнинг 10-12 апрель кунлари Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси органларида хизматни ўтаб келаётган ёш мутахассислар билан «Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Ёшлар йили» давлат дастури тўғрисидаги қароридан келиб чиқадиган вазифаларни амалга оширишда ҳарбий прокуратура органларининг роли» мавзусида амалий-ўқув семинари бўлиб ўтди. Бундан кўзланган асосий мақсад — Республика Ҳарбий прокуратураси органларида хизматни ўтаб келаётган ёш ходимларнинг касбий билимга, амалий тажрибага эга бўлишини таъминлаш, уларга соҳа фаолиятини чуқур ўргатишдан иборат.*



# Билим ва тажриба

Семинарга таклиф этилган малакали мутахассислар ўз амалий ҳамда илмий тажрибалари билан ўртоқлашишди ҳамда суд-ҳуқуқ ислоҳотлари, давлат ва жамият қурилишидаги ўзгаришлар ҳақида батафсил гапириб беришди.

Эртасига амалий-ўқув машғулотлари Ўзбекистон Республикаси ҳарбий прокуратурасининг мажлислар залида давом эттирилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми котиби, Олий суд судьяси ва Олий суднинг ҳарбий ҳайъати аъзолари суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг босқичлари, судгача иш юритиш босқичида қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасининг судлар томонидан қўлланиши каби маърузалар билан иштирок этиб, ёш мутахассисларни қизиқтирган саволларга жавоб беришди.

Уч кун давом этган амалий-ўқув машғулотлар якунида ёш мутахассислар тест синовлари топширишди.

**Ботир ҚУДРАТХОДЖАЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурорининг катта ёрдамчиси**

БУРЧ ВА МАСЪУЛИЯТ

# Кадрлар ҳал қилувчи куч

Мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ва иқтисодиёт соҳасидаги ислоҳотлардан кўзланган ягона мақсад — қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлашдан иборатдир. Ислоҳотлар натижасида бу соҳада кўплаб қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Бу эса ходимлардан амалдаги қонунчиликни мукаммал ўзлаштиришни, уларнинг мазмун-моҳиятини чуқур ўрганиш ва амалиётда тўғри татбиқ этишни талаб қилади. Шундай экан, ҳукуматимизнинг фидойи ва қатъиятли кадрларга бўлган эътибори кучайиб бориши табиий ҳолдир.

Президентимиз Ислом Каримов халқ депутатлари Сурхондарё вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқида бу масалага тўхталиб: «Маълумки, ҳар қандай ташкилот ёки жамоанинг тақдири ва истиқболини юксак малакали, мустақил фикрлайдиган, билимли ва тажрибали кадрлар ҳал қилади» дея алоҳида таъкидлаганди.

СВОЖЖДЛҚК департаменти органларида ҳам кадрларни танлаш, тайинлаш, касб маҳорати ва малакасини ошириш, уларнинг ўз ишига бўлган масъулиятини янада кучайтириш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Бош прокурорнинг соҳавий буйруқ ва кўрсатмалари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» талабларидан келиб чиққан ҳолда кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш юзасидан Тошкент Давлат юридик институти, Тошкент Молия институти, Тошкент Ахборот технологиялари университети, Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси ва Тошкент Давлат иқтисодиёт университети билан ўзаро ҳамкорлик тўғрисида битимлар тузилди.

Мазкур келишувларда ходимларнинг соҳа бўйича назарий малакасини оширишни йўлга қўйиш, биргаликда янги ўқув дастурлари ва услубий қўлланмалар ишлаб чиқиш борасида ҳамкорлик қилиш назарда тутилган. Келишувларга мувофиқ ҳар бир олий ўқув юрти билан ҳамкорликда амалга ошириладиган тадбирлар дастурлари ишлаб чиқилиб, мазкур муассасаларда профессор-ўқитувчилари иштирокида ўқув машғулотлари ва давра суҳбатлари ўтказилмоқда.

Яқинда Тошкент Давлат юридик институти, Тошкент Молия институти билан ҳамкорликда ўтказилган илмий-амалий семинарларда суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотлар, жиноят ва жиноят-процессуал қонунчиликка киритилаётган янгиликлар, иқтисодиёт, пул-кредит ва молия қонунчилигидаги ўзгаришлар, бу соҳани янада такомиллаштириш борасида ҳукумат томонидан амалга оширилаётган ишлар хусусида фикр алмашилди.

(Давоми 2-бетда).

# ҚОНУНИЙЛИК ТАЪМИНЛАНМОҚДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган қонунлар, Президентимизнинг бу борадаги фармон ва қарорларининг ижроси алоҳида назоратга олинган. Бу йўналишда ўтказилган текширишларда қўпол қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан 3 та жиноят иши қўзғатилди.

Жумладан, Гулистон шаҳар ДСИ ходими Ш.Халимов мансаб ваколатини суиистеъмол қилиб, 2007 йил давомида тадбиркор Н.Убайдуллаевадан алдаш йўли билан солиқ ва бошқа тўловлар учун 28 млн. 500 минг сўм нақд пул олиб, тадбиркорга жуда кўп миқдорда зарар етказган.

Ҳукуматнинг иш ҳақи ўз вақтида тўланишига қаратилган қарорлари ижроси ҳам вилоят прокуратураси органларининг доимий назоратида бўлмоқда ва энг муҳими, айбдорларга нисбатан жазонинг муқаррарлиги таъминланаяпти. Чунончи, Сайхунобод туманидаги 15-сонли ўрта мактаб директори П.Мирзаев бош ҳисобчи З.Маматов ва ғазначи Ж.Назаровлар билан тил бириктириб, АТ «Пахта банк»нинг Сайхунобод туман бўлимидан 2007 йил иш ҳақи сифатида олинган пул маблағларидан 5 млн. 32,9 минг сўмни ҳужжатларни қалбакилаштириб, талон-тарож қилишган. Ҳозирда ушбу ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилди.

Иқтисодиётимизнинг юксалиши ва турмуш фаровонлиги аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларга табиий газ ҳамда электр энергияси етказиб берилишига, тўловларнинг ўз вақтида амалга оширилишига ҳам боғлиқ. Бу соҳада ўтказилган текширишларда афсуски, жиддий қонунбузилишлар ҳам аниқланди ҳамда уларни бартараф этиш борасида прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди. Судларга 7 млн. 368 минг сўмлик 51 та даъво аризалари киритилиб, 19 млн. 500 минг сўмлик зарар ихтиёрий ундирилди.

Вилоятимизда аграр тармоқ асосий соҳалардан ҳисобланади. 2008 йил ҳосили учун 86 минг 805 гектар ерга 5586 та фермер хўжаликлари томонидан дон экилди. 172 минг 900 тонна ғалла ва 115 минг 300 гектар ердан 248 минг тонна пахта ҳосили олиниши кутилмоқда. Вилоят прокуратураси органлари томонидан мунтазам равишда ғалла ва пахта етиштириш устидан мониторинг тадбирлари олиб борилиб, аниқланган қонунбузилишларни бартараф этиш чоралари кўрилмоқда.

Хусусан, АТ «Пахта банк» Сардоба филиали мансабдор шахслари ўз мансаб ваколатларини суиистеъмол қилишгача бориб етганлар. Банк мижозлари бўлган «Мамадиёр ўғли Абдумалик», «Ҳакимбек», «Ҳамдал-Хумоюн» фермер хўжаликлари 2007 йил ҳосили учун ғалла экишни режалаштиришмаган ва тайёрлов корхонаси билан шартнома тузмаган бўлсаларда, ҳужжатлар қалбакилаштирилиб, ғалла учун ажратилган 5 млн. 960 минг сўмлик кредит ноқонуний тўланишига йўл қўйилган. Уларга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, дастлабки тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Жиноятчилик ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида вилоят ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида 2008 йилнинг 3 ойи давомида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан умумий жиноятлар сони 1,4 фоизга камайди. Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан асосий эътибор айбланувчилар томонидан етказилган зарарларнинг тергов жараёнида ундирилишига қаратилмоқда. Бинобарин, прокуратура тизимларида тергови олиб борилган жиноят ишлари бўйича етказилган 361 млн. 475 минг сўмлик зарарларнинг 295 млн. 73 минг сўми ёки 81,6 фоизи, ички ишлар идоралари томонидан тергов олиб борилган жиноят ишлари бўйича етказилган 184 млн. 284 минг сўмлик зарарларнинг 176 млн. 132 минг сўми ундирилди.

**Баҳодир АБДУВАЛИЕВ,**
**Сирдарё вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари**

## Вазифалар белгилаб олинди

**Андижон вилояти ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг қонунийликни таъминлаш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида биринчи чорак якунлари ва келгусидаги вазифаларга бағишланган навбатдаги мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилиши бўлиб ўтди.**

**Йиғилишда таъкидланганидек, ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотларни ҳуқуқий ҳимоялаш чораларининг кўрилаётганлиги ҳамда жиноят содир этилишига имкон бераётган сабаблар босқичма-босқич ва режали тарзда бартараф этилаётганлиги ўз самарасини берган. Вояга етмаганлар муҳитидаги жиноятчиликнинг камайишига, тергов сифати яхшиланиб, самарадорлик ортишига, терговда аниқланган 3,5 млрд. сўмлик зарарнинг 3,4 млрд. сўми ундирилишига эришилган.**

**Тадбиркорлар, деҳқон ва фермер хўжаликлари фаолиятига ноқонуний аралашувларнинг пайини қирқиш, уларни коррупция, порахўрлик ва бошқа турдаги суиистеъмолликлардан ҳимоя қилиш бўйича таъсирчан чоралар кўрилган. Шундай бўлса-да, мазкур йўналишдаги ишларни янада жадаллаштириш борасидаги вазифалар белгилаб олинди.**

**Шу билан бирга умумий жиноятчилик кўрсаткичларининг бирмунча ўсганлиги эътиборга олиниб, жиноятчиликларга қарши кураш амалиётида синовдан ўтган ва юқори самара берган илғор тажрибадан ҳамда ҳамкорликнинг барча имкониятларидан тўлиқ фойдаланишга оид қўшимча чора-тадбирлар белгиланди. Уларни ҳаётга татбиқ этиш бўйича ишчи гуруҳлари тузилди.**

**Кенгашда вилоят ҳокими А.Усмонов иштирок этди.**

**Дониёр МАМАЖОНОВ,**
**Андижон вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси**

# Кадрлар ҳал қилувчи куч

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Олий ўқув юртлари билан ўрнатилган ҳамкорлик ўз натижаларини бермоқда. Бунга мисол сифатида ўтган йилда Тошкент Молия институтининг йўлланмаси асосида бакалавриат ва магистратура босқичларини аъло баҳоларга тамомлаган бир неча талаба тезкор лавозимларга ишга қабул қилинганлигини, ҳозирда олий ўқув юртларидан ишга қабул қилиш учун номзодлар танланаётганлигини кўрсатиш мумкин.

Ҳудудий бошқармаларда ҳам ходимларнинг касб малакаси ва маҳоратини ошириш мақсадида мунтазам ўқув машғулотлари ҳамда семинарлар ўтказиш йўлга қўйилган. Бу борада 2006 йилда 295 та, 2007 йилда 520 та ўқув машғулотлари ўтказилган бўлса, жорий йилда бундай тадбирлар 144 тани ташкил этмоқда.

Департамент органларида ишлаб келаётган ходимларнинг 20 фоиздан ортиғи ёш мутахассислардан иборат бўлиб, уларга ўз назарий билимларини амалиётга тўғри татбиқ этишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган ва малакали ходимлардан мураббийлар тайинланган.

Уларнинг касб маҳоратини оширишга ҳам жиддий эътибор қаратилмоқда. Ўтган йилда 145 нафар ёш мутахассис Департаментнинг ҳудудий бошқармалари маҳкамаларига иш ўрганиш учун чақирилиб, улар билан асосий фаолият йўналишлари бўйича мунтазам равишда ўқув машғулотлари олиб борилди. Бундан ташқари, махсус ўқув дастури асосида ўтган йилда 103 нафар, 2008 йилнинг 1-чорагида 30 нафар лавозимга янги тайинланган ходимлар Департамент маҳкамасида малака оширди.

Ходимларнинг профессионал тайёргарлиги юрт равнақи ва халқ фаровонлигини таъминлаш борасида муҳим омил саналади. Бош прокуратура ва Департамент раҳбарияти томонидан кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, профессионал тайёргарлигини мунтазам равишда ошириб бориш ишларига эътибор кучайтирилганлиги натижасида 2007 йилда иқтисодий, солиқ ва валютага оид қонунбузилишларга қарши курашиш борасида амалга оширилган тадбирларнинг самарадорлиги ўтган даврларга нисбатан кескин ошди. Жумладан, Департамент органлари томонидан ўтказилган тезкор-таҳлилий тадбирлар натижасига кўра, 5917 та жиноят ва 2358 та маъмурий ҳуқуқбузарликлар аниқланди. Давлат бюджетига 162,9 млрд. сўм қўшимча маблағ ҳисобланиб, 66,2 млрд. сўм ундирилди.

Ҳукумат томонидан пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини қисқартириш борасида қабул қилинган қарорлар ижроси юзасидан ўтказилган текширишларда 187,8 млрд. сўмлик ноқонуний нақд пул айланмалари аниқланиб, 1245 та жиноят иши қўзғатилган.

Ўз хизмат вазифаларини виждонан бажариб келаётган ташаббускор ходимларни рағбатлантириш, уларнинг меҳнатини муносиб тақдирлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

2007 йилда 101 нафар, 2008 йилнинг ўтган даврида эса 25 нафар Департамент ходимлари ишдаги эришилган ютуқ ва яхши натижалари учун Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва Департамент бошлиғи томонидан рағбатлантирилди, кўпчилиги юқори лавозимларга заҳирага олинди.

Ўтган йилда 1 нафар ходим «Дўстлик» ордени, 2 нафари эса «Шуҳрат» ва «Жасорат» медаллари билан тақдирландилар. Шу билан бирга, Департамент органларини хизмат вазифасини бажаришга масъулият билан ёндошмайдиган ва ўз касбига нолойиқ шахслардан тозалаш ҳамда ходимларнинг масъулиятини ошириш ишлари ҳам кучайтирилди. Бу ишларнинг барчаси яқин келажакда ўзининг бундан-да яхши самарасини беради.

**Ғолиб ОЧИЛОВ,**
**Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛКК департаментининг кадрлар бўлими бошлиғи**

# Ишонч суиистеъмол қилинса...

**Инсонлар ўртасидаги ҳамкорликни ишонч риштаси мустаҳкамлаб туради. Агар унга путур етса, оқибатда турли тушунмовчилик ва кўнгилсизликларга йўл очилиши мумкин.**

Миразиз Азизов ва Ҳуснидин Раҳматуллаев бошқа шахслар билан юридик манзили Собир Раҳимов тумани Жомий кўчаси 5-уй бўлган «Пойтахт Транссервисинвест» МЧЖни ташкил этишиб, 2004 йил 27 октябрда давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳномани ҳам қўлга олишади. 2004 йил 4 ноябрь куни Тошкент шаҳрида жойлашган ДАТ «Асака» банкда ҳисоб рақамини очишади. Кўп ўтмасдан ҳокимлик ва фуқаролар йиғини ҳудудидаги турғун савдо шаҳобчасида чакана савдо ҳуқуқини берувчи рухсат гувоҳномасини қалбакилаштириб, улгуржи савдо фаолиятини амалга ошириб келишади. Жамият ҳисоб рақамига давлат ташкилотлари ва корхоналардан қурилиш моллари, электр маиший техникалар ва хўжалик моллари учун жами 87 млн. 894 минг 993 сўм пул маблағлари туширишиб, шунинг 4 млн. 400 минг сўмини банк муассасасига инкассация қилишмайди. Бундан ташқари, улар бошқа шахслар билан олдиндан жиноий тил бириктириб, «Оникс» ОАЖ билан шартнома тузишади. Унга кўра «Оникс»га 10 млн. сўм пул ўтказишиб, қолган пулни кейин ўтказиб берамиз, деб кўп миқдордаги биллур идиш ва қандилларни ишонч қоғози асосида олиб кетишади. Лекин товар олинган бўлса-да, қолган пулни тўлашмайди. Натижада, «Оникс» ОАЖга 7 млн. 128 минг 215 сўм моддий зарар етказилади.

Дастлабки тергов ҳаракатлари жараёнида «Оникс» ОАЖга етказилган моддий зарар ўрни тўлалигича қопланди. Уларнинг бошқа корхоналар билан тузган сохта шартномалари ва етказилган моддий зарарлари ҳам тергов давомида аниқланди. Миразиз Азизов ва Ҳуснидан Раҳматуллаевларга нисбатан жиноят кодексининг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилиб, суд томонидан жазо муқаррарлиги таъминланди.

**Умар ФАЙЗИЕВ,**
**Собир Раҳимов туман прокурорининг ёрдамчиси**

# Қонунбузар «тадбиркор»лар

*Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти қонун устуворлигини таъминлаш, ноқонуний пул айланмалари ва хорижий валюталар билан боғлиқ жиноятларни аниқлаш, яширин цехларни фош этиш борасида самарали ишлар олиб бормоқда.*

2008 йилнинг биринчи чораги давомида департамент маҳкамасига келиб тушган маълумотларга кўра, ҳудудий вилоят бошқармалари ҳамда шаҳар ва туман бўлимлари томонидан жами 525 та жиноят ишлари қўзғатилган бўлса, шундан 194 таси солиқ ва бошқа тўловларни тўлашдан бўйин товлаш, 43 тасини валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда олиш ёки ўтказиш ва бошқа жиноят ишлари ташкил этган.

Ушбу қўзғатилган жиноят ишлари бўйича ўтказилган тадбирларда жами 74 минг 565 АҚШ доллари ва .801,5 млн. сўмлик товар моддий бойликлар ҳамда валютага оид ҳуқуқбузарликлар бўйича 67 минг 902 АҚШ доллари, 67 минг 300 Россия рубли, 72 минг Қозоғистон тенгеси ва 66,3 млн. сўм далилий ашё сифатида олинган.

Департаментнинг Андижон вилояти Пахтаобод туман бўлими ходимлари томонидан ўтказилган тадбирда «АНД баркамол ҳамроҳ» хусусий корхонаси раҳбари Б.Дадамирзаев, «Мурувват сайқали» МЧЖ раҳбари А.Мадраҳимов ва «Садаф савдо люкс» МЧЖ раҳбари Х.Солиевлар 2,1 млрд. сўмлик товар айланмасини амалга оширишиб, 459,8 млн. сўм солиқларни тўлашдан қасддан бўйин товлаганликлари аниқланган ва ҳуқуқбузарларга нисбатан ЖКнинг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилган.

Бухоро шаҳар бўлими ходимлари томонидан ўтказилган тадбирда «Бухоро-Турон» МЧЖ мансабдор шахслари ўзаро жиноий тил бириктиришиб, 741 млн. товар айланмасини амалга ошириб, жами 20,9 млн. сўм солиқларни тўлашдан қасддан бўйин товлаганликлари ҳамда маҳсулотларни сотишдан тушган 264,2 млн. сўмни НКМдан ўтказмаганлари аниқланган. «Бухоро-Турон» МЧЖ мансабдор шахсларига нисбатан ҳам жиноят иши қўзғатилган.

Департаментнинг Тошкент шаҳар Сирғали туман бўлими ходимлари томонидан ўтказилган тадбирда эса назорат қилинмайдиган даромад олиш мақсадида мева шарбати ишлаб чиқариш билан шуғулланиб келган «тадбиркор»лар фаолиятига чек қўйилди. Фуқаролар О.Мирзаматов, А.Ғафуров, Э.Шамсутдинов ва Қ.Қосимовлар олдиндан тил бириктириб, рўйхатдан ўтмасдан, Шайхонтоҳур тумани «Эски жўва деҳқон бозори» ОАЖ ҳудудидаги катта гумбаз тагидаги ертўлада яширин равишда қўлбола мева шарбати ишлаб чиқариб келганлар. Текширишда қонунбузарлардан жами 5,6 млн. сўмлик 3 дона қозон, 2 дона қўлбола ускуна, 1 дона «Гамбузатор», 1720 дона турли хил мева шарбати, 8000 дона банка, 12 минг100 дона этикетка, 919 дона қопқоқлар далилий ашё сифатида олинган. Қонунбузар «тадбиркор»ларга нисбатан ЖКнинг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилиб, ҳозирда тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Шунингдек, бозор ҳудудида яширин цех мавжудлигини билган ҳолда, унинг ноқонуний фаолият юритишига шароит яратиб беришиб, давлат манфаатларига жуда кўп миқдорда зарар етказганликлари учун «Эски жўва деҳқон бозори» ОАЖ мансабдор шахслари, Шайхонтоҳур туман ДСИ бозор шўъбаси бошлиғи Р.Шайхов, туман санитария ва эпидемиология назорат маркази бош врачи Г.Сағатоваларга нисбатан ҳам ЖКнинг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

**Абдусаттор САБИРОВ,**
**Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛКК департаменти навбатчи қисм бошлиғи**

**САҲИФАМИЗДА:** ТОШКЕНТ ШАҲАР ЧИЛОНЗОР ТУМАН ПРОКУРАТУРАСИ



Бугун Ўзбекистондаги демократлаштириш ва тубдан янгилаш жараёни ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг барча жабҳаларини қамраб олган. Бу жараёнда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимояси масаласига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Чилонзор туман прокуратураси томонидан туман ҳудудида қонунийликни мустаҳкамлаш, жамиятда қонун устуворлигига эришиш борасида муайян ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Маълумки, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, давлат ва жамият манфаатлари ҳимояси прокуратуранинг асосий фаолият йўналишларидан саналади. Ўтган 2007 йил ва жорий йилнинг биринчи чорагида мазкур йўналишга оид қонунлар ижроси юзасидан 41 та текшириш ўтказилган. Текширишлар натижасига кўра зарур ҳолларда протестлар киритилди, қонунбузарликка йўл қўйган шахслар интизомий, маъмурий ва моддий жавобгарликка тортилди. Жиддий қонунбузарлик аломатлари аниқланган 76 та ҳолатда жиноят иши қўзғатилди.

Давлат ва жамоат корхоналари ходимлари манфаатини кўзлаб Фуқаролик ишлари бўйича туман судига 2007 йилда 506 млн. 42 минг сўмлик 53 та, жорий йилнинг биринчи чорагида эса 7 млн. 12,3 минг сўмлик 19 та, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, турар жойга бўлган ҳуқуқлар ва бошқа қонунлар бўйича жами 59 та даъво аризалари киритилган.

Туман прокуратураси томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 19 мартдаги «Иш ҳақи ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижроси ҳам мунтазам назоратга олинган. Ўтган йилда мазкур соҳада ўтказилган текширишлар натижасида иш ҳақидан қарздорликка йўл қўйилган корхоналар аниқланиб, ишчи ва ходимлар иш ҳақини ундириш юзасидан 53 та даъво ариза киритилди, 40 нафар мансабдор шахсга нисбатан маъмурий жавобгарликка оид иш қўзғатилди. Жиддий қонунбузарликлар юзасидан 4 та жиноят иши қўзғатилди.

Республикамизда кучли ижтимоий ҳимоя тизими шаклланиб бормоқда. Бу жараён прокуратура зиммасига ҳам масъулиятли вазифалар юклади. Аҳоли ижтимоий ҳимоясига оид қонунлар ижросини таъминлаш юзасидан мунтазам назорат ўрнатилиб, бир қатор чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Буни туман прокуратураси фаолияти мисолида кўриб чиқадиган бўлсак, аҳолини ижтимоий ҳимоялашга қаратилган қонунлар ижросини тўлиқ таъминлаш, маҳаллий давлат ҳокимияти, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа мутасадди идоралар масъулиятини ошириш борасида муайян ишлар амалга оширилган. Аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож қатлами, хусусан, кам таъминланган оилаларга давлат томонидан ажратилган пенсия ва нафақа пуллари, белгиланган имтиёзларнинг берилиши мунтазам назорат қилиб келинмоқда.

Туман молия бўлими томонидан 2007 йилда кам таъминланган оилаларга 18 млн. 873 минг сўм моддий ёрдам, икки ёшгача фарзанди бор ишламайдиган оилаларга 236 млн. 420,7 минг сўм ва 18 ёшгача фарзанди бор оилаларга 214 млн. 719 минг сўм нафақа берилган. Ушбу йўналишда олиб борилган текширишлар жараёнида 21 та моддий жавобгарликка доир иш қўзғатилиб, қўпол қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан 2 та жиноят иши қўзғатилган.

Текширишларда 2007 йилни тумандаги 3 та хўжалик юритувчи субъект 2 млрд. 489,8 млн. сўмлик зарар билан якунлагани аниқланган. Туман прокуратураси томонидан мазкур корхоналар фаолияти таҳлил қилиниб, тегишли прокурорлик таъсир чоралари қўлланилди. Жорий йилнинг 1 март кунига келиб туманимизда фаолиятини зарар билан якунлаган корхоналар қайд қилинмаган.

Ўтган 2007 йилда туман прокуратурасига жами 2092 та ариза ва шикоятлар қабул қилинган бўлиб, шундан 656 таси бевосита туман прокуратураси томонидан ҳал қилиниб, 45 таси қаноатлантирилган. 2007 йилда 1195 нафар, жорий йилнинг уч ойида 271 нафар фуқаро туман прокуратурасида шахсий қабулда бўлган. Шунингдек, меҳнат жамоаларида 571 нафар фуқаро қабул қилинган.

Эртанги кунимизнинг қандай бўлиши ўсиб келаётган авлодга берилаётган эътиборга, таълим тарбияга боғлиқлиги ҳеч кимга сир эмас. Бугунги кунда болалар ва ўсмирлар таълим-тарбиясига бўлган эътибор янада кучайтирилиб, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш устувор вазифалар қаторидан ўрин олди. Жумладан, аҳолининг 33 фоизини вояга етмаганлар ташкил қилувчи туманимизда ҳам вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, давр талабидан келиб чиқиб тарбия бериш, соғлиғини муҳофаза қилиш борасида муайян ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Туманимизда жами 32 та умумтаълим мактаби, 1 та санатория мактаб интернати, 1 та махсус меҳнат таълим мактаби жойлашган бўлиб, уларда жами 33 минг 656 нафар ўқувчи таълим олмоқда. 55 та мактабгача таълим муассасаларида 9963 нафар бола тарбияланмоқда. Шунингдек, А.Хлебушкина номидаги 22-сонли Меҳрибонлик уйида 101 нафар, 23-сонли Меҳрибонлик уйида 113 нафар тарбияланувчи таълим-тарбия олмоқда. Шунингдек, 15 та касб-ҳунар коллежи, 3 та академик лицей, 1 та гимназия, Нафис санъат мактаби ҳамда Тошкент давлат Иқтисодиёт университети жойлашган. Бу рақамлар соҳада амалга оширилаётган ишлар қамровидан дарак беради.

Туман прокуратураси томонидан ўтган йилда ушбу йўналишда 32 та текширув ўтказилиб, натижаси бўйича 349 та прокурорлик таъсир чоралари қўлланилган. Вояга етмаганларнинг манфаатларни кўзлаб фуқаролик судларига 9 та даъво аризаси киритилган. Аниқланган жиддий қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан 10 та жиноят иши қўзғатилди.

Маълумки, вояга етмаганлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш, улар ўртасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш нафақат тегишли идораларнинг, балки ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат ташкилотларининг ҳам масъулиятли вазифасидир. Туман ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия ва бошқа мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорлик яхши йўлга қўйилганлиги натижасида вояга етмаганлар ўртасида жиноятчиликнинг 8,5 фоизга камайишига эришилди.

Президентимиз ташаббуси билан 2008 йилнинг «Ёшлар йили» деб номланиши прокуратура органлари зиммасига янада масъулиятли вазифалар юклади. Туман прокуратураси томонидан ёшларга оид қонунлар, «Ёшлар йили» Давлат дастури ижроси назоратга олинган.

# ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ ЙЎЛИДА

**Холмирза ҚЎЛДОШЕВ,**
**Чилонзор туман прокурори**

---

**Мамлакатимизда ўсиб келаётган ёш авлоднинг таълим-тарбияси, камолоти борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Бугун илмфан чўққиларини забт этаман, спорт ёхуд санъат соҳасида юртим номини дунёга танитаман деган ҳар бир ўғил-қиз учун имконият эшиклари очиқ. Аммо ана шундай бир шароитда ҳам қинғир йўллардан юриб, жиноят кўчасига кириб қолаётган ўсмирлар учраб тургани ачинарли, албатта.**

# ТЕЛЕФОН «ОВИ»

Телефон орқали танишиб қолган қиз билан учрашувга чиққан Зиёдулла шу куниёқ ўртоқлари Шерзод ва Сардорга «таассуротларини» гапириб берди. Тўғриси, уни қизнинг ҳусни жамоли эмас, кўпроқ қўлидаги бежирим телефон ўзига жалб қилган эди. Шунинг учун гап орасида қизнинг қўл телефони неча пул туришини ҳам атайин қистириб ўтди.

Унинг нимага шама қилаётганини тушунган Сардор «учрашувга бир ўзи келдими» деб сўради.

— Бир ўзи келди, учрашувга чиққанини ҳеч ким билишини истамайди, шекилли. Аноийими, соддами, ишқилиб ғалатироқ қиз экан. Аслида опаси билан танишгандим, у опасига билдирмай мен билан учрашувга чиқиб юрибди. Қисқаси, қиздаги телефон бизники бўлиши керак, — деди Зиёдулла.

— Эртага қайтараман деб олда, кўзига кўринмай кет, — гап қистирди Шерзод.

— Йўқ, бўмайди, қайси коллежда ўқишимни билади. Яхшиси, мен қизни алдаб четроққа олиб чиқаман, сизлар телефонни тортиб оласизлар, — деди Зиёдулла.

— Тортиб олсак, бақиради, қаршилик қилади. Бошқа йўлини топайлик, масалан, алдаш ёки «шантаж» дегандай, — деди Сардор.

...Эртаси куни коллежда дарслар тугагач, Зиёдулла Сурайёга телефон қилиб, парк олдида кутишини айтди.

Уларнинг қимтинибгина гаплашиб туришганини кўрганлар «икки ёш бир-бирига кўнгил қўйибди» деб ўйлаши аниқ эди.

Зиёдулланинг «юринг, кузатиб қўяман», деганига қиз ишонди. Унинг кимгадир телефон қилиб, «биз сой бўйига кетаяпмиз» деганига эътибор қилмади. Бироз юришгач икки йигит, яъни Шерзод ва Сардор уларнинг йўлини кесиб чиқишди.

— Бу ерда юриш мумкин эмас, кеча бу ҳудудда жиноят содир бўлган, — деди Шерзод Зиёдуллага кўз қисиб.

— Ҳозир биз билан тегишли идорага борасизлар. Кимсизлар, нима қилиб юрибсизлар, ҳаммасини аниқлаймиз, — деди Сардор.

Қиз шошиб қолди:

— Биз ҳозир кетамиз...

— Йўқ, — деди қатъий оҳангда Сардор, — олдин идорага борамиз, керак бўлса ота-оналарингизниям чақиртирамиз.

Қиз бутунлай довдираб қолганини кўрган Зиёдулла ишга киришди. Сардорга қараб: «Командир, келишайлик. Бизнинг бу юришимиздан ота-онамиз хабар топмай қўя қолишсин» деди.

— Майли, — деди Сардор бироз «юмшаб», — кетаверинглар, фақат телефонларинг бизда қолади.

Аввал Зиёдулла, кейин Сурайё қўл телефонини унга узатди. Телефонлар ичидаги сим картасини уларга қайтарар экан, «қиз бола деган учрашувга ёлғиз чиқиши яхшимас» деб қўйди Сардор. Шу пайт нариродан ўтиб кетаётган милиция ходимларига қўзи тушган йигитлар бирданига қоча бошлашди. Уларга қўшилиб Зиёдулла ҳам қочганидан кейингина нима гаплигини тушунган Сурайё милиция ходимларини ёрдамга чақира бошлади.

Телефон шайдолари узоққа кетишолмади, уларни милиция ходимлари ашёвий далил билан қўлга олишди.

Жиноят ишлари бўйича Чилонзор туман судининг ҳукми билан учови ҳам қонуний жазосини олишди.

**Сайёд ЖУМАБОЕВ,**
**Чилонзор туман прокурорининг ёрдамчиси**

---

# ИҚТИСОДИЙ ЖИНОЯТЛАРГА ҚАРШИ

Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти Чилонзор туман бўлими томонидан 2007 йилда Президент фармон ва қарорлари, ҳукумат қарорлари, Бош прокурорнинг буйруқ ва кўрсатмаларида қўйилган талаблардан келиб чиқиб, муайян ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Жумладан, 2007 йилда солиқ, валютага оид қонунлар ижроси юзасидан 121 та текширув ўтазилиб, натижасига кўра 64 та жиноят иши ва 57 та маъмурий иш юритилган. Маъмурий ишлар бўйича 175 млн. 237,94 минг сўмлик товар моддий бойликлар олиб қўйилган. Қўлланилган маъмурий жарима суммаси 2 млн. 588,18 минг сўмни ташкил қилиб, тўлиқ ундирилган. Жиноят ишлари бўйича 85 млн. 877,58 минг сўмлик товар моддий бойликлар олиб қўйилган.

Бюджетга жами 1 млрд. 548 млн. 283,66 минг сўм ундирилган, жиноят ва маъмурий ишлар бўйича жами 261 млн. 115,52 минг сўмлик товар моддий бойликлар олиб қўйилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 24-сонли қарори ижросини таъминлаш юзасидан 2007 йилда ўтказилган тадбирлар натижасида 17 та ноқонуний спиртли ичимликлар савдосига оид жиноятлар аниқланди ва ҳуқуқбузарлардан 4 млн. 624,2 минг сўмлик ТМБлар олиб қўйилди. 11 та ҳолатда эса ноқонуний тамаки савдосига оид жиноятлар қайд этилиб, 11 млн. 382,1 минг сўмлик ТМБлар далилий ашё сифатида олиб қўйилган.

Хуфёна иқтисодиётни фош этиш ва барҳам бериш юзасидан амалга оширилган тадбирлар натижасида 4 та ҳолатда давлат рўйхатидан ўтмасдан яширин фаолият билан шуғулланишга доир жиноятлар аниқланиб, 16 млн. 246 минг сўмлик ТМБлар далилий ашё сифатида олинган. Мазкур ҳолатлар бўйича жиноят ишлари қўзғатилган.

Нақд пул муомаласини тартибга солиш, банкдан ташқари айланмасини қисқартиришга қаратилган қарор ижроси бўйича олиб борилган ишлар натижасида 15 та ҳолат аниқланиб ва барчаси бўйича жиноят ишлари қўзғатилган.

**Шукур БУРХОНХОДЖАЕВ,**
**Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК департаменти Чилонзор туман бўлими бошлиғи в.б.**

# АЛОҲИДА ҒАМХЎРЛИК

«Ёшлар йили» давлат дастури асосида Ёзёвон туманида ҳам кенг кўламли тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўқувчи ва талабаларнинг турфа хил қизиқишларига ҳамоҳанг тарзда таълим-тарбиянинг сифат даражасини янада юксалтириш, ҳуқуқий билимларнинг асосларини, она-юртга меҳр-муҳаббат руҳини сингдириш борасида самарали ишлар қилинмоқда. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, жамоат ташкилотлари, ўқув муассасалари ҳуқуқ-тартибот органлари ушбу йўналишда ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйишди.

Туманимиз аҳолисининг 38 фоизини вояга етмаган ёшлар ташкил этади. 36 та мактаб, 1 та ихтисослаштирилган мактаб-интернат, 4 та касб-ҳунар коллежи, 2 та спорт мактабида 21 мингга яқин болалар ва ўсмирлар таълим-тарбия олишяпти. Туман прокуратурасида вояга етмаганлар билан ишлаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, айниқса ҳуқуқбузарликка мойил ўсмирларнинг таълим-тарбияси билан шуғулланиш борасидаги муқаддам қилинган ишлар атрофлича таҳлил қилиниб, йўл қўйилган камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш чоралари белгиланди.

Ўсмирлар орасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олиш, диний-экстремистик оқимлар таъсиридан асраш, мактабга қатнамай қўйганларни ўқишга қайтариш масалалари ҳал этиб борилди. Ушбу соҳалардаги қонунлар ижроси ўрганилиб, натижада 30 та тақдимнома, 1 та протест киритилди. 69 нафар мансабдор шахс огоҳлантирилди. 56 та интизомий, 6 та маъмурий тартибда иш қўзғатилди. Судларга 2 та даъво ариза киритилди.

Афсуски, айрим қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари маҳалладошларининг мурожаатларига бефарқ қараётгани боис, улар туман прокуратурасидан ҳуқуқий ёрдам сўрашяпти. Чунончи, Ёзёвон қишлоқ фуқаролар йиғини таркибидаги Мадаминов номли маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи вояга етмаган уч фарзанд онаси О.Мирзаеванинг аризаси инобатга олинмаган. Ҳолбуки, у 2-гуруҳ ногирони бўлиб, оиласи моддий ёрдамга муҳтожлиги аён эди. Прокуратура ушбу ҳолатни ўрганиб, 6 ой муддатга моддий ёрдам ажратиш тўғрисида қарор қабул қилди. Прокуратура аралашуви билан шунингдек, Тошҳовуз маҳалласида яшовчи 3-гуруҳ ногирони, беш фарзандли Н.Ўрмонов, Сойбўйи маҳалласида истиқомат қиладиган Ф.Абдуллаева, Ҳ.Тошбоев номли маҳаллада турувчи М.Умароваларнинг вояга етмаган болалари учун моддий ёрдам пуллари тўлана бошланди.

«Ёшлар йили»да вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ижтимоий муҳофазага олишни янада кучайтириш борасидаги Давлат дастурини рўёбга чиқариш мақсадида туман ҳокимлиги, прокуратура, ИИБ, Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш бўлимлари ҳамкорлигида чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилиб, таълим-тарбия самарадорлигини ошириш учун изчил иш юритиляпти.

**Бахтиёржон МАМАТОВ,**
**Ёзёвон туман прокурори**

*Халқимиз болажон. Ота-оналар фарзандларининг камоли ва бахти учун ҳар қандай муаммони енгишга қодир. Бунга халқимизнинг тарихи ҳам яққол мисол бўлаолади. Бобомиз Амир Темурнинг фарзандлари ва невараларига бўлган қаттиққўллиги, меҳрибончилигини китобларда кўп ўқиганмиз. Иккинчи Жаҳон урушида етти ёт бегона инсонларнинг фарзандларига ота-оналик қилган миллатимизни дунё билади. Халқимизнинг болажонлиги ҳақида кўп ва хўп гапириш мумкин.*



# Меҳр ва эътибор оғушида

Жойлардаги туман прокурорининг асосий вазифаларидан бири қонунийликни таъминлаш билан бир қаторда вояга етмаганларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамдир. Шуни эътиборга олган ҳолда, 135 мингдан ортиқ Ғаллаорол туман аҳолисининг 60 фоизидан ортиғини ташкил қиладиган ёшларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ўқиб-ўрганишлари учун кенг имкониятлар яратиш борасида туман прокуратураси кўплаб ишларни амалга оширмоқда.

Тарбия ҳаётий масала деб бежизга айтилмайди. Аввало, боланинг тарбиясига оилада пойдевор қўйилади. Баъзан турмушдаги арзимас нарсалар учун ота-оналар ажрашадилар-у, ўртада болалар оввораю сарсон бўлади. Ота-она ўз дарди билан бўлиб, бола тарбияси эътибордан четда қолади.

Вояга етмаганларнинг ижтимоий ҳимоясига қаратилган қонунлар ижроси юзасидан ўтказилган текширишда айрим фуқаролар томонидан вояга етмаган фарзандлари таъминоти учун алимент пуллари бир неча ойлаб тўланмаганлиги аниқланди. Хусусан, фуқаролик ишлари бўйича Жиззах туманлараро суди жавобгар А.Тўхтамишевнинг ишини кўриб чиқди. Даъвогар А.Маҳрамованинг фойдасига 3 нафар фарзанди учун алимент ундириш ҳақида ҳал қилув қарори чиқарилган бўлса-да, А.Тўхтамишев пинагини ҳам бузмаган. У 20 ой учун жами 164 минг сўм алимент пулларини тўламасдан келган. Ўз фарзандининг вояга етишида оилага моддий ёрдам кўрсатмаган оталар бир ёки икки нафар бўлганда, биз бунчалик жон куйдирмаган бўлардик. Жумладан, Ғаллаорол шаҳрида яшовчи Ф.Алманов, Маданият ҚФЙ Кўкгумбаз қишлоғида яшовчи Э.Абдураҳмонов ва «Қўйтош» қўрғони Соврuксой маҳалласида яшовчи М.Саттаровлар ҳам фарзандлари таъминоти учун алимент тўлашдан бўйин товлашган.

Мазкур ҳолатлар юзасидан қочоқ оталарга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатларини ўтказиш учун туман ИИБга юборилди.

Давлат ёрдамига муҳтож болаларни, кам таъминланган ва кўп болали оилалар фарзандларини ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда уларга меҳр-мурувват кўрсатиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилиш бизнинг асосий вазифамизга айланган. Тумандаги «Мулкуш» қишлоқ фуқаролар йиғинида ўтказилган текширишда, аҳолининг кам таъминланган тоифасини, кўп болали оилаларни ижтимоий ҳимоя қилиш, қўллаб-қувватлаш борасидаги ҳукумат қарорлари талаблари жиддий равишда бузилиб, нафақага муҳтож бўлган оилаларга ижтимоий нафақа тайинланмаганлиги аниқланди. Айрим ҳолатларда эса ижтимоий адолат тамойиллари бузилган ҳолда нафақалар тайинланиб, маҳаллий бюджетга зарар етказилган.

Қишлоқ фуқаролар йиғини масъул ходимларининг масъулиятсизлиги, ҳукумат қарорлари моҳиятини чуқур тушунмаслиги текшириш таҳлилларидан маълум бўлди. 4 та ҳолатда 353 минг 940 сўм нафақа пуллари ноқонуний тайинланган ва шундан 132 минг 400 сўми тўланиб, бюджетга зарар етказилишига йўл қўйилган. Шу каби қонунбузилиш ҳолатлари Маржонбулоқ шаҳарча фуқаролар йиғини масъул ходимлари томонидан ҳам содир этилган.

Халқимиз ёшларни ўсиб келаётган ниҳолга ўхшатишади. Боғбон ниҳолга ўз вақтида қараб, меҳрини бериб парвариш қилмаса, у қийшиқ ўсади. Фарзанд ҳам шундай. Уни тўғри тарбиялаш энг аввало, ота-онага боғлиқ. Ҳаётда тўғри тарбия олган бола жамиятда ўз ўрнини топади ва юрт учун фидойи инсонга айланади.

**Улуғбек РАЖАБОВ,**
**Ғаллаорол туман прокурори**

**Келажаги учун қайғурадиган халқ аввало, ёш авлодга ғамхўрлик кўрсатади. Уларнинг таълим-тарбиясига эътибор бериб, зарур ижтимоий шарт-шароитларни ҳозирлайди. Энг муҳими, келажак авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялайди. Республикамизда ёшлар масаласига алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Ёшларга оид давлат сиёсатининг асосларини белгиловчи қонунчилик ҳужжатлари қабул қилинди. Мазкур йилнинг «Ёшлар йили» деб эълон қилиниб, махсус давлат дастури қабул қилиниши айни шундай ғамхўрликнинг ёрқин намунаси бўлди.**

# КЕЛАЖАК УЧУН САРМОЯ

Мазкур дастурнинг ижроси борасида Янгиариқ туманида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Маълумки, ҳозирда ёш оилаларга тижорат банклари томонидан ипотека ва истеъмол кредитлари бериш амалиёти кенг қўлланилмоқда. Уларни уй-жой қуриш, реконструкция қилиш ва сотиб олиш учун имтиёзли ипотека кредитлари билан таъминлаш бўйича иш олиб борилмоқда. Аввало, шунга эҳтиёжи бўлган оилалар аниқланиб, ҳозирда 66 нафар оиланинг ҳужжатлари ўрганилмоқда. Истеъмол кредити бериш масаласи муаммосиз ҳал этилган. Биргина туман «Пахта банки» томонидан йилнинг дастлабки чорагида 78 млн. 502 минг сўмлик истеъмол кредити ажратилди. Йил давомида 100 та кам таъминланган оилага биттадан қорамол бепул бериш режалаштирилган. Шу кунгача 22 та оилага ана шундай ҳомийлик ёрдами кўрсатилди. Шунингдек, 5 та ёш оилага қорамол сотиб олиши учун имтиёзли кредит ажратилди.

Қишлоқ жойларида яшайдиган коллеж битирувчиларидан 4 нафарига хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида ўз хусусий бизнесини ташкил этиши учун микрокредитлар ажратилди.

Болаларга ногиронлик белгилаш, уларни ногиронлик аравачалари, эшитиш мосламалари, ортопедик маҳсулотлар билан таъминлашда амалда норматив ҳужжатлар талабларига риоя этилиши туман прокуратураси томонидан доимий назоратга олинган. Айрим ҳолатларда ногиронлик муддатлари нотўғри белгиланиб, тиббий хулосаларни тузишда камчиликларга йўл қўйилгани аниқланди. Шу каби ҳолатларнинг туб сабабларини ўрганиш ва шу асосда камчиликларни бартараф этиш мақсадида иккита ишчи гуруҳи тузилди. Уларга ҳар бир ўқув муассасаси, ҳар бир оилада бўлиб, ижтимоий ҳимояга муҳтож вояга етмаганларни аниқлаб, ёрдам кўрсатиш чораларини кўриш вазифаси юклатилган. Шунингдек, бу тадбирга кенг жамоатчиликни ҳам жалб этган ҳолда, ҳомийликлар ташкил этиш ҳам назарда тутилган.

Ёшлар учун энг самарали ижтимоий ҳимоя — уларни иш билан таъминлашдир. Туманимизда ёшларнинг бандлигини таъминлаш борасида махсус дастур ишлаб чиқилиб, унинг ижроси таъминланмоқда. Шу йилнинг 2 февраль куни ўтказилган меҳнат ярмаркасида 42 нафар вояга етмаганлар бўш иш ўринларига жойлаштирилди. Туман прокуратураси томонидан Меҳнат кодекси ҳамда «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонун ижроси юзасидан текширишлар ўтказилганида, айрим иш берувчилар вояга етмаганларни ўқитиш ва билимларини текшириш чораларини кўрмагани, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан қонун талабларига зид равишда вояга етмаганларнинг касб ва иш турларига оид хавфсизлик йўриқномалари ишлаб чиқилмагани, меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги бўйича масъуллар белгиланмагани маълум бўлди. «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 19-моддасида «Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича белгиланган тартибда ўқитиш, йўл-йўриқлар бериш ва билимлари текширишдан ўтмаган шахсларни ишга қўйиш тақиқланади», деб белгилаб қўйилган. Меҳнат қонунчилиги талабларини бузиб келган мутасаддиларга нисбатан қонунда белгиланган тартибда ҳуқуқий таъсир чоралари қўлланилди.

Ёшларнинг баркамол авлод бўлиб етишишлари йўлида кўрсатилган ғамхўрлик келажак учун киритилган сармоя ҳисобланади. Бизнинг ҳозирги кунда амалга ошираётган ишларимиз яқин келажакда ўз самарасини бериши шубҳасиз. Зеро ўз келажаги учун қайғурган эл обод бўлажак.

**Баҳодир САРДОРОВ,**
**Янгиариқ туман прокурори**

*Вояга етмаган ёшлар таълим-тарбияси, бўш вақтларининг мазмунли ташкил қилиниши Фарғона шаҳар прокуратурасининг диққат марказида бўлиб келмоқда. Прокуратура ташаббуси билан ҳар йили баҳор кунларининг бирида ўсмир болалар ўртасида спорт беллашувлари ўтказиш анъанага айланди.*



# БЎЛАЖАК АЛПОМИШЛАР

Вилоят халқ маорифи, касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқармаси, шаҳар ҳокимлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида «Фарзандларимиз соғлиғи — келажагимиз пойдевори» шиори остида ўтказилган бу галги мусобақалар ҳар қачонгидан мазмунли ва қизиқарли кечди.

Шаҳар прокуратурасининг спорт мажмуасида кўргазмага қўйилган мактабгача таълим муассасалари, мактаблар, ўқувчи ёшлар техника ижодиёти марказида таълим олаётган болаларнинг ижодий ишлари диққатни тортади. Кўп ўтмай стадионга Мурувват уйлари, махсус мактаб-интернатлар, болаларни соғломлаштириш сиҳатгоҳи терма жамоалари кириб келишди. Фарғона вилоят прокурори вазифасини бажарувчи А.Сангинов юртимизда ёшларнинг маънавий ва жисмоний жиҳатдан етук ўсиб-улғайишлари учун кўрсатилаётган ғамхўрлик ҳақида сўз юритиб, бугунги мусобақада қатнашаётган болаларга ҳар соҳада зафарлар тилади. Спорт мусобақаларини очар экан, шаҳар прокурори Б.Деҳқонов ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ўқишлари, дам олишлари, спорт билан шуғулланишлари, бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун барча шароитлар яратилаётганини таъкидлади.

Тантанали очилиш маросимида гимнастикачи ўқувчи қизларнинг, айниқса, 10 ва 23-ўрта мактаблардаги «ТАЭКВАНДО» — шарқона кураш бўйича спорт тўгарагида шуғулланаётган болалар ва қизларнинг чиқишлари тахсинга сазовор бўлди.

Шундан сўнг спортнинг шахмат, шашка, стол тенниси, футбол каби етти тури бўйича мусобақаларга старт берилди. Қизиқарли ва марокли ўтган мусобақа ғолиблари ҳамда иштирокчилари — келажак алпомишлари эсдалик совғалар билан тақдирланишди.

**Исроил ИБРОҲИМОВ,**
**«Huquq» мухбири**

Ҳафталик теледастурлар

2008-yil 17-aprel, № 16 (589)

**Моҳият**

*Ҳамиша қаҳрамон бўлиш мумкин эмасдир, лекин ҳамиша инсон бўлиб қолиш лозим.*

*Иоган ГЁТЕ*

## TV МАРКАЗ канали ҳафталик дастури

### 21-aprel, Dushanba

**07.00-15.00**
**ПРОФИЛАКТИКА**
**15.00** Сериал «Жассига ўхшаши йўқ» 118-серия
**15.30** Baby hits
**15.40** Мультфильм
**17.00** «Премьера» (ўзб)
**17.30** «Кинокурьер»
**18.00** Ўзбек наволари
**18.30** Сериал «Жассига ўхшаши йўқ» 119-серия
**19.00** Т/с «Замонавий она» 1-серия
**20.10** Ўзбек наволари
**21.30** Сериал «24 часа»
**22.20** Комедия по понедельникам: «Трасса-60»
**00.30** Миксер

### 22-aprel, Seshanba

**07.00, 08.30, 13.40, 20.30** Ўзбек наволари
**08.00** Сериал «Жассига ўхшаши йўқ» 119-серия
**09.30** Т/с «Замонавий она» 1-серия
**10.40, 18.00, 20.10** Мировые хиты
**11.30** Х/ф «Трасса-60»
**14.30** «Кинокурьер»
**15.00** Сериал «Жассига ўхшаши йўқ» 119-серия
**15.30** Baby hits
**15.40** Мультфильм
**17.00** «Baby Terra Landiya»
**17.30** «Премьера» (рус)
**18.30** Сериал «Жассига ўхшаши йўқ»120-серия
**19.00** Т/с «Замонавий она» 2-серия
**21.30** Сериал «24 часа»
**22.20** Х/ф «Большой переполох в маленьком Китае»
**00.20** Миксер

### 23-aprel, Chorshanba

**07.00, 08.30, 13.30** Ўзбек наволари
**08.00, 15.00** Сериал «Жассига ўхшаши йўқ» 120-серия
**09.30** Т/с «Замонавий она» 2-серия
**10.40** Мировые хиты
**11.30** Х/ф «Большой переполох в маленьком Китае»
**14.30** «JannatMakon»
**15.30** Baby hits
**15.40** Мультфильм
**17.00** Мировые хиты
**17.30** Ўзбек наволари
**18.30** Сериал «Жассига ўхшаши йўқ» 121-серия
**19.00** Т/с «Замонавий она» 3-серия
**20.10** Мировые хиты
**20.30** Ўзбек наволари
**21.30** Сериал «24 часа»
**22.20** Киноколлекция: «Кто-то пролетел над гнездом кукушки»

### 24-aprel, Payshanba

**07.00, 08.30, 14.05, 18.00** Ўзбек наволари
**08.00, 15.00** Сериал «Жассига ўхшаши йўқ» 121-серия
**09.30** Т/с «Замонавий она» 3-серия
**10.40** Мировые хиты
**11.30** Х/ф «Кто-то пролетел над гнездом кукушки»
**15.30** Baby hits
**15.40** Мультфильм
**17.00** «Baby Terra Landiya»
**17.30** «Премьера» (ўзб)
**18.30** Сериал «Жассига ўхшаши йўқ» 122-серия
**19.00** Т/с «Замонавий она» 4-серия
**20.10** Мировые хиты
**20.30** Ўзбек наволари
**21.30** Сериал «24 часа»
**22.20** Х/ф «Остров»

### 25-aprel, Juma

**07.00, 08.30, 14.00** Ўзбек наволари
**08.00, 15.00** Сериал «Жассига ўхшаши йўқ» 122-серия
**09.30** Т/с «Замонавий она» 4-серия
**10.40** Мировые хиты
**11.30** Х/ф «Остров»
**14.30** «Премьера» (рус)
**15.30** Baby hits
**15.40** Мультфильм
**17.00** Мировые хиты
**17.30** Ўзбек наволари
**18.30** Сериал «Жассига ўхшаши йўқ» 123-серия
**19.00** Т/с «Замонавий она» 5-серия
**20.10** Ўзбек наволари
**20.30** «Тунлар муборак»
**21.30** Сериал «24 часа»
**22.20** Х/ф «Люди икс»

### 26-aprel, Shanba

**07.00, 11.30** Ўзбек наволари
**08.30** Мировые хиты
**9.30** Х/ф «Люди икс»
**12.00** Baby hits
**12.30** Мультфильм
**14.30** Мировые хиты
**15.30** Ўзбек наволари
**16.30** Семейное кино: «Беовульф»
**18.40** Ўзбек наволари
**19.00** PRIME TIME (ўзб)
**19.30** Ўзбек наволари
**20.30** «ТОП-10»
**21.05** Ўзбек наволари
**21.30** «Премьера» (ўзб)
**22.00** Х/ф «Люди икс-2»
**00.25 – 02.15** Другая музыка

### 27-aprel, Yakshanba

**07.00** Ўзбек наволари
**08.30** Мировые хиты
**09.00** Prime time (ўзб)
**09.30** Х/ф «Люди икс-2»
**12.00** «Baby Terra Landiya»
**12.30** Мультфильм
**14.30** Сериал «Жассига ўхшаши йўқ» 119-123 сериялар
**16.40** Ўзбек наволари
**18.00** Мировые хиты
**19.00** PRIME TIME (рус)
**19.30** Ўзбек наволари
**20.30** «КИНОКУРЬЕР»
**21.00** Ўзбек наволари
**21.30** «Премьера» (рус)
**22.00** Х/ф «Люди икс-3»

## Kamalak канали ҳафталик дастури

### 21-aprel, Dushanba

**12.00, 14.00** Клип минутка
**12.20** Ералаш
**12.40** М/ф «Все псы попадают в рай»
**14.20** Х/ф «Принцесса на горошине»
**15.45** Мультфильм
**16.05** Музыкальная дорожка
**16.45** Х/ф «Блондинка в законе»
**18.15** Музыкальная дорожка
**18.55** Х/ф «От колыбели до могилы»
**20.35** Музыкальная дорожка
**21.15** Х/ф «Псы солдаты»
**23.00** На ночь глядя

### 22-aprel, Seshanba

**12.00, 14.00** Клип минутка
**12.20** Ералаш
**12.40** М/ф «Все псы попадают в рай 2»
**14.20** Х/ф «Царевич Проша»
**15.45** Мультфильм
**16.05** Музыкальная дорожка
**16.45** Х/ф «Блондинка в законе 2»
**18.20** Музыкальная дорожка
**19.00** Х/ф «Игра Рипли»
**20.50** Музыкальная дорожка
**21.30** Х/ф «Леший»
**23.00** На ночь глядя

### 23-aprel, Chorshanba

**12.00, 14.10** Клип минутка
**12.20** Ералаш
**12.40** М/ф «Геракл»
**14.30** Х/ф «Золотой ключик»
**15.45** Мультфильм
**16.05** Музыкальная дорожка
**16.45** Х/ф «Неужто все боги сошли с ума»
**18.30** Музыкальная дорожка
**19.10** Х/ф «Легионер»
**20.40** Музыкальная дорожка
**21.20** Х/ф «Бельфегор»
**22.55** На ночь глядя

### 24-aprel, Payshanba

**12.00, 14.00** Клип минутка
**12.20** Ералаш
**12.40** М/ф «Джимми Нейтрон вундеркинд»
**14.20** Х/ф «Лесная царевна»
**15.55** Мультфильм
**16.15** Музыкальная дорожка
**16.55** Х/ф «Васаби»
**18.25** Музыкальная дорожка
**19.05** Х/ф «Снайпер 2»
**20.35** Музыкальная дорожка
**21.15** Кино ХИТ «В ловушке времени»
**23.05** На ночь глядя

### 25-aprel, Juma

**12.00, 14.10** Клип минутка
**12.20** Ералаш
**12.40** М/ф «Дорога на Эльдорадо»
**14.30** Х/ф «Морозко»
**15.50** Мультфильм
**16.10** Музыкальная дорожка
**16.50** Х/ф «Особенности национальной рыбалки»
**18.25** Музыкальная дорожка
**19.05** Х/ф «Часовой механизм»
**20.35** Музыкальная дорожка
**21.15** Большое кино «В плену призраков»
**23.05** На ночь глядя

### 26-aprel, Shanba

**10.00, 11.40** Клип минутка
**10.20** М/ф «Ледниковый период»
**12.00** М/ф «Тарзан 2»
**13.10** Рейтинговый фильм
**14.50** Кино ХИТ «В ловушке времени»
**16.40** Музыкальная дорожка
**17.20** Х/ф «Мой криминальный дядя»
**18.45** Музыкальная дорожка
**19.25** Х/ф «Максимальный риск»
**21.00** Музыкальная дорожка
**21.40** Х/ф «Бар гадкий койот»

### 27-aprel, Yakshanba

**10.00, 11.40** Клип минутка
**10.20** М/ф «Карлик нос»
**12.00** М/ф «Иосиф-царь сновидений»
**13.10** Рейтинговый фильм
**14.40** Большое кино «В плену призраков»
**16.30** Музыкальная дорожка
**17.10** Х/ф «Несчастный ребенок»
**18.30** Музыкальная дорожка
**19.10** Х/ф «Трудная мишень»
**20.40** Музыкальная дорожка
**21.20** Видеобитва:
1. 13 приведений
2. Человек невидимка 2
3. Чужой против хищника. Реквием.

## 21-APREL Dushanba

### O'ZBEKISTON

**Ҳурматли телетомошабинлар! Профилактика муносабати билан душанба, 21 апрел куни «O'zbekiston» телерадиоканали ўз кўрсатувларини соат 14.55 дан бошлайди.**

**14.55** Кўрсатувлар дастури.
**15.00** **«Таҳлилнома».**
**15.45, 17.10, 20.00** ТВ анонс.
**15.507 20.50** «Минг бир ривоят».
**15.55** Т/с **«Қайтар дунё».**
**16.40** «Юртим бўйлаб» дастури: «Ўзбекистон табиати».
**17.00** **«Ахборот».**
**17.15** «Олтин мерос».
**17.20** «Эл тинчлиги йўлида».
**«Болалар сайёраси»:**
**17.40** «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
**17.55** «Изҳор».
**18.00** «Сизнинг адвокатингиз».
**18.05** Т/с **«Қайтар дунё».**
**18.50** «Бир кун».
**19.15** «Оҳанглар оғушида».
**19.25, 19.55, 20.55** Эълонлар.
**19.30** **«Ахборот».** /рус/.
**20.05** «ТВ шифокор».
**20.10** Т/с **«Аччиқ ёлғон».**
**21.00** **«Ахборот».**
**21.30** «Қорабайирлар тўдаси».
**21.55** Т/с **«Сўнгги қиролича».**
**22.55** ТВ анонс.
**23.00** «Қўшиғимсан, муҳаббат». /SMS/.
**23.10** Т/с **«Мерос».**
**00.20-00.30** Тунги наволар.
**«Uzbekistan».**
**00.30** Кўрсатувлар дастури.
**00.35** «Юртим бўйлаб» дастури: «Афросиёб афсонаси».
**00.55** «Эски альбом».
**01.00** **«Ахборот».** /рус/.
**01.30** ТВ анонс.
**01.35** «Умр баҳори».
**01.55** «Ватанпарвар».
**02.45** «Орзулар майдони».
**03.15** Ўзбек опера санъати юлдузлари концерти.
**03.55** «Минг бир ривоят».
**04.00** **«Ахборот».**
**04.30** «Олтин мерос».
**04.40** «Юртим бўйлаб» дастури: «Ўзбекистон табиати».
**05.00** Т/с **«Қайтар дунё».**
**05.45-05.55** Тонгги наволар.

### Yoshlar

**Телетомошабинлар диққатига! Профилактика муносабати билан 21 апрел, душанба куни «Yoshlar» телеканали ўз кўрсатувларини соат 15.55 дан бошлайди.**

**15.55** «Аждодлар садоси».
**16.00** «Давр».
**16.10** Т/с **«Шерлок Холмс».**
**16.45** «Келажак овози».
**16.55** «Юртим юраги».
**17.00** «Ёшлар симфонияси».
**17.10** «Сувни асранг!»
**17.20** «Келажак эгалари».
**17.30** «Тасвир ва таассурот».
**17.45** «Ёшлик баёзи».
**17.55** «Тошкент – 2200».
**18.00** **«Каминанинг оиласи».**
**18.30** «UzEX хабарлари».
**18.35** «Мулки мумтоз».
**18.55** «Шарқ дарвозаси».
**19.00** «Давр».
**19.30** Т/с **«Алия».**
**20.10** «Одамфурушлар».
**20.30** «Зулфия издошлари».
**20.40** «Ёшлар навоси».
**21.00** «Тошкент оқшоми».
**21.10** Т/с **«Жумонг».**
**21.55** «UzEX хабарлари».
**22.00** «Давр».
**22.30** «Аёлга таъзим».
**22.35** «SMS-мусиқа».
**23.00** Т/с **«Ҳаёт-мамот».**
**23.45** «Таскин».

### TOSHKENT

**17.50** Кўрсатувлар тартиби.
**17.55** М/ф «Синбод. Етти денгиз афсонаси». 5-қисм.
**18.05** «Телекурьер - маркет».
**18.25** «Биласизми?»
**18.30** «Пойтахт» ахборот дастури.
**18.45** «Анонс».
**18.50** Т/с «Эсмеральда».
**19.20** «ТВ юрист».
**19.25** «Мусиқа SMS».
**19.50** «Саломат бўлинг» /рус/.
**20.00** «Пойтахт» ахборот дастури /рус/.
**20.15** «ТВ юрист» /рус/.
**20.20** Т/с «Милагрос».
**20.50** «Интервью».
**21.00** «Жозиба».
**21.25** «Анонс».
**21.30** «Пойтахт» ахборот дастури.
**21.45** «Уйларим».
**21.50** «Телекурьер - маркет».
**22.10** «Аёл қалби».
**22.30** «Пойтахт» ахборот дастури /рус/.
**22.45** «Кино SMS со звездами».
**22.50- 00.50** Х/ф **«Меркурий в опасности».**

### SPORT

**Телетомошабинлар диққатига! Профилактика муносабати билан 21 апрел куни «Sport» телерадиоканали ўз кўрсатувларини 18.00 дан бошлайди.**

* * *

**18.00** «Тет-а-тет».
**18.10** Миллий ўйинлар фестивали.
**18.30** «Хабарлар» (рус тилида)
**18.50** «Мусиқий тайм».
**19.15** Тяжелая атлетика. Чемпионат мира.
**19.50** **«Спортлото».**
**20.00** Стрельба. Кубок мира.
**20.30** «Бизнес-ревю».
**20.40** «Жди меня».
**21.30** «Хабарлар» (ўзб. тилида)
**21.50** Футбол. Испания чемпионати. «Расинг» — «Реал».
**23.25** «Тунингиз осуда бўлсин!»

### Первый канал

**04.00, 08.15** «Доброе утро»
**08.00, 11.00, 14.00** Новости
**08.25** «Малахов +»
**09.25** «Контрольная закупка»
**10.00** Т/с «Убойная сила»
**11.15** «Модный приговор»
**12.20** «Детективы»
**13.00** Другие новости
**13.25** «Понять. Простить»
**14.20** «Похождения гениального афериста»
**15.00** Т/с «Огонь любви»
**15.55** «Федеральный судья»
**17.00** Вечерние новости
**17.20** Жди меня
**18.10** «След»
**19.00** Т/с «Принцесса цирка»
**20.00** «Время»
**20.30** Т/с «Апостол»
**21.30** «Магда Геббельс. Жертвоприношение»
**22.25** Проект «Одноэтажная Америка»
**23.20** Ночные новости
**23.40** Искатели. «Царя подменили»
**00.25** Х/ф «Запретная миссия»
**02.00** «Время»
**02.30** Х/ф «Большие девочки не плачут»

### РОССИЯ

**Профилактика.**
**10.50** Т/с «Частный детектив».
**11.45** М/ф: «Возвращение блудного попугая», «Царевна-лягушка».
**13.00, 16.00, 19.00** «Вести».
**13.20** «Местное время. Вести - Москва».
**13.40** Т/с «Мачеха».
**14.35** «Суд идет».
**15.30** Т/с «Кулагин и партнеры».
**16.30** «Местное время. Вести - Московская область».
**16.50** «Вести. Дежурная часть».
**17.05** Т/с «Женщина без прошлого».
**18.00** Т/с «Родные люди».
**19.30** «Местное время. Вести».
**19.50** «Спокойной ночи, малыши!»
**20.00** Т/с «Батюшка».
**21.50** «Городок».
**22.50** «Вести +».
**23.10** «Честный детектив».
**23.40** «Синемания».
**00.05** Комедия «Везет, как утопленнику».
**02.05** «Дорожный патруль».
**02.20** Комедия «Мои голубые небеса».

### НТВ

**05.00** «Сегодня утром».
**08.00** «Следствие вели...»
**09.00, 12.00, 15.00, 18.00, 21.40** «Сегодня».
**09.20** «Чрезвычайное происшествие».
**09.55** «Кулинарный поединок».
**10.55** «Квартирный вопрос».
**12.30** Т/с «Адвокат».
**14.30, 17.30** «Чрезвычайное происшествие. Обзор».
**15.30** Т/с «Улицы разбитых фонарей».
**18.40** Т/с «Литейный, 4».
**19.40** Т/с «Морские дьяволы 2».
**20.40** Т/с «Закон и порядок».
**22.05** Т/с «Ставка на жизнь».
**23.05** «Школа злословия».
**23.55** «Quattroruote».
**00.30** Детектив «Прекрасная Елена».
**02.15** Т/с «Вероника Марс 2».
**03.05** Т/с «Нашествие».
**03.50** Т/с «Без следа 3».
**04.35** «Профессия - репортер».

### ТНТ

**06.00** Т/с «Любовь и тайны Сансет Бич».
**06.55** «Глобальные новости».
**07.00, 13.30, 19.00** Такси.
**07.30** М/с «Ох, уж эти детки!»
**08.00, 19.30** Москва: инструкция по применению.
**08.30** «Необъяснимо, но факт».
**09.30, 00.45** Т/с «Саша + Маша».
**10.00, 18.00, 20.00** Т/с «Счастливы вместе».
**11.00** М/с «Приключения Джимми Нейтрона, мальчика-гения».
**11.30** М/с «Цап-Царап».
**12.00** М/с «Каппа Майки».
**12.30** М/с «Детки подросли».
**13.00** М/с «Тоталли Спайс».
**14.00** Т/с «Женская лига».
**14.30, 21.00, 00.15** «Дом 2».
**16.00** Триллер «Другой мир 2: Эволюция».
**22.00** Комедия «Вокруг света за 80 дней».
**01.15** Наши песни.
**01.35** Загадки шоу-бизнеса.
**02.30** «Дом 2».
**03.25** Дикие дети 2.
**04.15** «Роман с Бузовой».
**05.10** Лавка анекдотов.

### ТВ3

**07.00** М/ф.
**07.45** М/с «Вунш-пунш».
**08.15** М/с «Мир Бобби».
**08.45** М/с «Флинт - детектив во времени».
**09.15** М/ф.
**10.00, 16.00** Т/с «Баффи - истребительница вампиров».
**11.00** Х/ф «Подземелье драконов».
**13.00** Д/ф «Разрушители мифов».
**14.00, 18.00** Т/с «Звездные врата».
**15.00** Д/ф «Тайна гибели «Пахтакора».
**17.00** «Упс!».
**19.00** Т/с «За гранью возможного».
**20.00** Т/с «Кости».
**21.00** Д/ф «Тайные знаки. Екатерина I. Коронованная ворожея».
**22.00** Х/ф «Остаться в живых».
**00.00** Т/с «За гранью возможного».
**01.00** Х/ф «Проклятье 3».
**03.00** Культ наличности.
**06.00** Relaks.

### DTV

**07.00** Удачное утро.
**07.50** Музыка на ДТВ.
**07.55** Телемагазин.
**08.25-09.30** М/ф.
**09.30, 21.00** Самое смешное видео.
**10.00** Т/с «Агентство Алиби».
**10.30, 15.00, 18.30** Судебные страсти.
**11.30** Х/ф «На белом катере».
**13.05** Звериные шуточки.
**13.30** Т/с «Утомленные славой».
**14.00** Т/с «Крутой Уокер».
**16.00, 22.30** Т/с «Безмолвный свидетель».
**16.30, 23.00** Т/с «C.S.I. Место преступления. Лас-Вегас».
**17.30** Т/с «Мыслить как преступник».
**19.30, 00.30** Чудеса со всего света.
**20.30** «Каламбур».
**21.30** Самое невероятное видео.
**00.00, 01.55** Голые и смешные 3.
**01.25** «Карданный вал +».
**02.25** Т/с «Рыцарь дорог».
**03.05** Ночной клуб.
**05.05** Т/с «Диагноз: убийство».

### СТС

**07.00** М/с «Человек-паук».
**07.55, 14.00** М/с «Смешарики».
**08.00, 11.30, 18.00** Т/с «Моя прекрасная няня».
**08.30, 20.00** Т/с «Папины дочки».
**09.00** «Кто умнее пятиклассника?»
**10.00, 19.30, 01.00** Истории в деталях.
**10.30, 22.00** Т/с «Кто в доме хозяин?»
**11.00, 17.30** «Галилео».
**12.30** Т/с «Джек-пот для Золушки».
**13.30** Т/с «Папа на все руки».
**14.30** М/с «Тутенштейн».
**15.00** М/с «Приключения Вуди и его друзей».
**15.30** М/с «Приключения Джеки Чана».
**16.00** М/с «Чокнутый».
**16.30** М/с «Школа волшебниц».
**17.00** Т/с «Сабрина - маленькая ведьма».
**18.30** Т/с «Тайны Смолвиля».
**21.00** Т/с «Я лечу».
**22.30** Х/ф «Проклятие деревни Мидвич».
**00.20** «6 кадров».
**01.30** «Слава Богу, ты пришел!»
**02.35, 04.35** Т/с «Королева экрана».
**05.05** Т/с «Танцы под звездами».
**05.55** М/с «Человек-паук».

**Пойтахтга кираверишдаги ЙҲХ постларидан бири. Турли-туман машиналарнинг кети узилмайди. Навбат оқ рангли «Нексия» машинасига келиб, пост ходими ҳайдовчи билан йўловчиларнинг ҳужжатларини текшираётган пайтда хизмат ити нимагадир безовта бўла бошлади. У машинанинг атрофини ҳидлай туриб, тўсатдан олдинги ўриндиқдаги аёлга қараб ҳура бошлади. Пост ходимлари шу заҳоти аёлдан машинадан тушиб, сумкасини очишни илтимос қилишди. Гувоҳлар иштирокида сумка текширилганда қора пакет ичидан иккита ўрам топилди...**



# Тугалланмаган «операция»

Асли Тошкент вилоятида туғилган, тақдир тақозоси билан Қўқонга кўчиб кетган Валерий Ким (исм-фамилиялар ўзгартирилган) пенсия ёшига яқинлашиб қолганди. Бу ёшдагиларнинг аксарияти ўтган умрини сарҳисоб қилиб, ёшлигида йўл қўйган хато ва камчиликларини таҳлил қилади. Уларга баҳо бериб, қолган умрини осуда ўтказиш йўлини қидиради. Аммо Валерий шундай йўл тутадиганлар тоифасидан бўлиб чиқмади. Гарчи бундан анча йиллар олдин йўл қўйган қилмиши учун маълум вақт «ўтириб» чиққан, бугунги кунда судланганлиги олиб ташланган бўлса-да, бу сафар нафақат ўзининг, балки яна тўрт нафар йўлдошининг «оёғига болта урди».

2007 йилнинг август ойи. Қадрдони Козимни учратиб қолган Валера олтин топгандек хурсанд бўлиб кетди. Ҳол-аҳвол сўрашишгач, дарҳол мақсадга ўтди:

— 1 килоча «гера» керак. Кўкида нақд 18 минг берадиган одамим бор. Топа оласанми?

— Нақди йўқ-ку, суриштириб кўраман. Ишончлими ўзи?

— Мени биласан-ку! Дуч келганни рўпара қилавермайман...

Сентябрнинг бошларида Козим Валеранинг ёнига бир одамни бошлаб келди. Азимжон Козимнинг қариндоши экан. У ҳам бу ишда ёрдам беришга бажонидил ваъда берди.

Ваъдага вафо марднинг иши. Аммо ҳар қандай ишни бажариш учун ваъда бериш афсуски, мардликка кирмайди. Бу ҳақиқатни хаёлининг кўчасидан ҳам ўтказмаган Азимжон тинмай ҳаракат қилди. «Ишончли» таниш-билишларидан суриштирди. Кўп ўтмай ниятига етди ҳам. Бу ишда унга Акром исмли таниши қўлидан келганча ёрдам берди. Акром айтилган миқдорда героин тайёрлигини айтиб, олди-соттини тез қилиш кераклигини илтимос қилди. Буни эшитган Азимжон шу заҳоти Козимга хабар берди. Шу куни учовлон Валераникига кириб келишди.

— Яхши, — мамнун ҳолда гап бошлади Валера героинни қўлига олар экан, — бир килолиги аниқми ишқилиб?

— Тўппа-тўғри, ўзим тортиб кўрдим, — шу заҳоти гап қўшди Азимжон.

— Унда буни тезроқ Тошкентга етказишимиз керак, — деди Валера.

Бу гапни эшитган Акром шу заҳоти эътироз билдирди:

— Йўқ. Бунақаси кетмайди. Соққани бериб, молни олавер. Насияга иш қилмайман.

— Ие, қанақа одамсан ўзи? Менга ишонмаяпсанми? Шу матоҳингга қанча беришмоқчилигини биласанми? 18 минг кўки-я! Агар шунча пулим бўлганда бу ерда ўтирмасдим. Шуни биласанми?

— Сен ҳам мени тушунгин. Мол меники эмас. Сотган заҳоти пулини беришим керак. Ҳаммани гапига кириб кетаверадиган ёшдан аллақачон ўтганман. Бу ишга аралашмасдим-у, Азимжонга йўқ дея олмадим.

— Гапинг тўғри. Сен билан мен ёш бола эмасмиз. Шунинг учун бир-биримизга ишонишимиз керак.

У шундай дея Азимжонга юзланди:

— Ука, энди гап бундай. Героинни Тошкентга оббориб берасан-у пулини оласан. Тушундингми?

Бу гапни эшитган Азимжон аввалига талмовсиради. Сўнгра ўтирганларга бирма-бир қараб чиқиб:

— Валерий ака, шу ишни бошқа одам қилса нима бўлади? — деди секингина.

— Бу нима деганинг? Ўзинг-чи?

— Шу ишни аёл киши бажарса қандай бўларкин? Мелисалар аёл кишидан шубҳаланмайди.

Унинг гапини эшитган Акром гапга қўшилди.

— Гапинг тўғрику-я, аммо аёлни қаердан топамиз?

— Буёғини менга қўйиб беринглар. Битта танишим бор. Хизматига яхшигина тўласам, йўқ демайди.

Қолганлар ҳам унинг фикрига қўшилишгач, Валера «йиғилишга» якун ясади:

— Ўзинг обборасанми, бировни ёллайсанми, менга барибир. Энг кераклиси, «гера» керак дедим, топиб бердинглар. Бунисига раҳмат. Энди нима қилиб бўлсаям, ишни охирига етказсанг бўлди. Йўлга чиқаётганларингда менга хабар беринглар. Тошкентда ўзим кутиб оламан.

Азимжон шу куни кечки пайт Саодатнинг эшигини тақиллатди. У чиққач, бор гапни айтиб, қуруқ қўймаслигини ҳам қистириб ўтди. Аввалига бу ишдан чўчиб, йўқ деяётган Саодат хизмат ҳақига 300 доллар олишини эшитди-ю дарров рози бўлди. Азимжон ўрамдаги героинни унга тутқазди. Тошкентга соат 21 дан кечга қолмай етиб боришни тайинлаб, «Қўйлиқ» бозорининг ёнида ўзи ундан молни қабул қилиб олишини айтди. Хизмат ҳақи ҳам ўша ерда, олди-соттидан сўнг берилади, дея ваъда берди.

Саодат ундан молни олгач, киракаш танишига қўнғироқ қилди. Вақтини келишиб олгач, кўп ўтмай ўша машинада пойтахт томон йўлга чиқди. Кўп ўтмай унинг орқасидан Валера бошчилигидаги гуруҳ ўтирган машина ҳам равона бўлди.

Улар Тошкентга етиб келишгач, айтилган машинанинг ҳали келмаганини кўриб кута бошладилар. Кечки салқин этни жунжиктира бошлагач, Козим билан Акром бозор яқинидаги ижарага одам қўядиган танишникига кетишди.

— Азим, одаминг мунча ҳаяллаб қолди. Ундан анча кейин йўлга чиқиб, мана етиб келдик. Молни олиб, уёқ-буёққа сурвормадими ишқилиб?

— Йўғ-эй, яхши танишим. Қўнғироқ қилиб кўрай-чи, ҳозир...

У шундай деб Саодатнинг қўл телефонига қўнғироқ қилди.

— Бўлди ака, келишибди. Оқ «Нексия»да экан. Юринг, қараб кўрайлик.

У шундай деб телефонни ўчирди-да, машиналар гавжум жойга қараб юрди. Улар айтилган машинани топиб, энди Саодатдан мол ҳақида сўрашган ҳам эди, тезкор гуруҳ томонидан қўлга олиндилар.

* * *

Юқорида Валерий Ким ҳақида айтиб ўтган эдик. Энди унинг ҳамтовоқлари ҳақида ҳам икки оғиз: Козим Сайфуллаев 1951 йилда, Азимжон Мусаев 1965 йилда, Акром Юсупов эса 1949 йилда туғилган. Гуруҳнинг ягона аёл аъзоси бўлмиш Саодат Азимова бўлса 42 ёшда. Кўриб турганингиздек, уларнинг барчаси бировдан ўрганадиган эмас, ўргатадиган ёшдаги одамлар. Устига-устак Саодатдан ташқари қолган ҳаммаси муқаддам судланиб улгуришган. Ўринли савол туғилади: очеркимиз «қаҳрамон»ларига илашган иллатни «даво»лаш учун бу сафар қанча вақт керак бўлар экан? Суднинг улар қилмишига яраша чиқарган ҳукми етармикан? Шунга умид қилиб қоламиз.

**Соибжон АБДУРАҲИМОВ,**
**Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим катта прокурори**

# «УДДАБУРОН» ТАДБИРКОР

**Қонун доирасида фаолият юритаётган тадбиркор ва ишбилармонлар солиқ ва бошқа тўловларга оид фуқаролик бурчларини адо этиб, юртимиз иқтисодий равнақига баҳоли қудрат ҳиссаларини қўшиб келишмоқда. Шу билан бирга қонун-қоидаларга хилоф иш юритиб, ноқонуний тарзда даромад топишга интилаётган «уддабурон» тадбиркорлар ҳам учраб турибди. Бундай шахслар амалдаги қонунларни четлаб, нафақат жамият ва давлат манфаатларига, балки ўзларига ҳам зиён етказишмоқда.**

Ҳали йигирма бешга ҳам тўлмаган Носир Қобилов (исм-фамилиялар ўзгартириб берилмоқда) «тадбиркорлик»нинг нималигини анча эрта тушуниб қолган йигитлардан эди. У олий маълумот олиш ёки бирон касб-корни эгаллаш ниятида юрган тенгдошларидан фарқли равишда осон йўллар билан пул топишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди.

Олдинига майда тижорат билан шуғулланиб юрган Носир автомобил олди-сотдисига қизиқиб қолгач, «бизнес режа»сини ўзгартириб юборди. Шайхонтоҳур туман ДСИдан якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтиб, каттароқ ишларга қўл ура бошлади. У энди ака-ука Зафар ва Ботир Саидовларни ўзига шерик қилиб олиб, хориж автомобиллари савдосига жиддий киришди.

Қисқа муддат ичида ишлари юришиб кетган «уддабурон» тадбиркорлар олаётган даромадлардан давлатга солиқ тўлаб туришдек бурчни унутиб қўйишди. Бунинг оқибатида чакана савдо рухсатномаси асосида якка тадбиркорлик билан шуғулланиб келаётган Н.Қобилов солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлагани боис туман ДСИ томонидан маъмурий жавобгарликка тортилди. Бундан тегишли хулоса чиқариб олмаган «тадбиркор» ҳуқуқбузарликлар содир этишда давом этди. Аммо уларнинг бундай ноқонуний фаолиятлари узоқ давом этмади.

Тергов давомида Н.Қобилов ҳамда унинг шериклари солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан қасддан бўйин товлаб, чакана савдо қоидаларини жуда кўп миқдорда бузиб келишгани аниқланди.

Жумладан, Н.Қобилов ва ака-ука Саидовлар 2006-2007 йиллар давомида Литва Республикасидан сотиб олинган 11 та чет эл автомашинасини республикамизга импорт қилиб, божхона расмийлаштирувидан сўнг мазкур автомашиналарни бошқа шахсларга сотиб юборишган. Бир қарашда бунинг қонунга зид жойи йўқдай кўринади.

Маълумки, автомашиналарни сотишда олди-сотди шартномасида кўрсатилган баҳодан Республика йўл жамғармасига 6 фоиз тўлов тўлаш белгиланган. Лекин бу йиғим ва тўловларни тўлашни истамаган Н.Қобилов ва унинг шериклари нотариал тартибда тасдиқланган олди-сотди шартномаларида автомашиналар нархини пасайтириб, бозор нархи 25-30 млн. бўлган хориж автомашиналари нархини кулгили, ўртача 200000 сўм қилиб кўрсатиб келишган. Шу тариқа сотилган 11 автомашинанинг жами баҳоси 266 млн. 898 минг 978 сўмни ташкил этгани ҳолда, олди-сотди шартномаларида уларнинг нархи пасайтириб кўрсатилиб, йўл жамғармасига 15 млн. 331 минг 741 сўмлик мажбурий тўловлар тўланмаган ва сотувдан тушган пулларнинг 86 млн. 121 минг 900 сўми инкассация қилинмаган. Бундан ташқари, якка тартибдаги тадбиркор Н.Қобилов 2007 йилнинг сентябрь-декабрь ойлари учун туман ДСИга ҳисобот тақдим қилмай, 990 минг 494 сўмлик солиқ ва мажбурий тўловларни тўламай келган. Нафси ҳакалак отган тадбиркорнинг «ҳам энидан, ҳам бўйидан уриши» охир-оқибат уни суднинг қора курсисига етаклаб келди.

Тергов давомида етказилган зарар ихтиёрий ундирилди. Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туман суди «уддабурон» тадбиркорга қилмишига яраша жазо белгилади.

Н.Қобиловнинг қинғир ишларини баён қилишдан мақсад, у каби миллион-миллион даромад кўриб ҳам солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан бўйин товлаш ниятида юрганлар учун бир сабоқ бўлсин, дедик. Зеро, ноқонуний қилмиш эртами-кечми албатта, фош бўлади. Сўнгги пушаймондан эса наф йўқ.

**Улуғбек АНВАРОВ,**
**Тошкент шаҳар прокуратураси АМИБ терговчиси**

# Радиоактив моддалар қаерда?

«EFE» ахборот агентлигининг хабар беришича, Испаниянинг Мостолес шаҳридаги саноат корхоналари жойлашган туманда антиқа ўғирлик содир этилди. Радиоактив моддалар билан боғлиқ фаолиятни амалга оширувчи компания ходимлари кўчада машиналарини қолдириб, компания биносига кириб кетишади. Чиқишганда машинага ўғри тушгани аниқланиб, автомашина ичида қолган кейс жиноятчилар томонидан олиб кетилгани маълум бўлади. Ҳамма гап шундаки, ушбу кейсда радиоактив моддалар бўлган. Унда ернинг намлиги ва зичлигини ўлчайдиган асбоблар бор эди. Кейс эгаларининг таъкидлашича, кейсдаги радиоактив моддалар атроф-муҳитга зарар кўрсатмайди. Чунки улар махсус контейнерларга жойлаштирилган.

Шундай бўлсада, Испаниянинг ядро хавфсизлиги бўйича кенгаши бу борада жиддий ташвишга тушган. Мутахассисларнинг айтишича, агарда контейнерларнинг ҳимоя қатлами бузилса у ҳолда радиоактив заҳарланиш рўй бериши аниқ. Шу боис, кенгаш бу борада баёнот эълон қилиб, унда ўғирланган кейсни топган шахс зудлик билан яқин орада жойлашган полиция маҳкамасига хабар бериши сўралган.

# Айбдор озодликка чиқди

«AFP» ахборот агентлигининг хабар беришича, инсон ҳуқуқлари курашчисининг ўлимида айбдор бўлмиш Индонезиянинг «Гаруда» авиакомпанияси собиқ раҳбари жазо муддатини ўтаб бўлгач, озодликка чиқди. «Гаруда»нинг собиқ президенти Индра Сетиван 2007 йилнинг 14 апрелида ушланган. 2008 йилнинг февраль ойида суд уни айбдор деб топиб, бир йил муддатга қамоқ жазосига ҳукм қилган.



Жазо ўташ муддати ҳибсга олинган вақтдан бошлаб ҳисобга олиниб, у 2008 йил 14 апрелда озодликка чиққан.

Индра Сетиван 2004 йили «Гаруда» авиакомпаниясига қарашли Жакарта-Амстердам йўналиши бўйича парвозни амалга ошираётган самолёт бортида маргумуш билан заҳарланган инсон ҳуқуқлари ҳимоячиси Мунир Саид Толибнинг ўлимига алоқадорликда айбланган эди. Жиноятнинг бевосита ижрочиси юқорида қайд этилган авиакомпания учувчиси Полликарпус Прианто 2008 йилнинг январида 20 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинган. Сетиван эса қотил айнан Толиб билан битта рейсда учиши учун сохта ҳужжатлар тайёрлаб берган. Айрим оммавий ахборот воситаларида Мунир Саид Толибнинг қотиллигига Индонезия махсус хизматлари ҳам алоқадор деган тахмин илгари сурилганди. Лекин суд бу фикрларни қўллаб-қувватламади.

# Суд қолдирилди

Полициячилар кийимини кийиб олган бир гуруҳ жиноятчилар Жанубий Африка Олий судининг Йоханесбургдаги бўлимига босқинчилик содир этишди, деб хабар қилади «BBC News» ахборот агентлиги. Маълумотларга қараганда, якшанбадан душанбага ўтар кечаси жиноятчилар суд биносига бостириб кириб, хавфсизлик хизмати ходимларини қуролсизлантиришган. Шундан сўнг, прокурор кабинетига кириб, бир қатор шов-шувли жиноят ишларга тааллуқли материалларни олиб, воқеа жойидан яширинишган. Қайд этиш жоизки, сохта полициячилар ўғирлаган ҳужжатлар орасида икки йил муқаддам «FNB» банкига уюштирилган босқинчилик жиноятига доир материаллар ҳам бўлган. Мазкур иш бўйича суд жараёни Олий судда жорий йилнинг 14 апрель куни бошланиши керак эди.

Жанубий Африка Республикаси Бош прокуратураси вакилларининг таъкидлашича, 14 апрелга ўтар кечаси суд биносига бостириб кирган жиноятчилар «FNB» банкига содир этилган босқинчиликка алоқадор бўлишлари мумкин. Ушбу иш юзасидан суд жараёни номаълум муддатга қолдирилди.



# Ким президент бўлади?

Африка қитъаси давлатларида рўй бераётган сиёсий ҳаракатлар жаҳон ҳамжамиятининг диққат марказида турибди. «Reuters» ахборот агентлигининг хабар беришича, Зимбабведаги «Демократик ўзгаришлар учун ҳаракат» мухолифатчи партиясининг умумхалқ норозилик намойишини ўтказиш ҳақидаги чақируви мамлакат аҳолиси томонидан қўллаб-қувватланмади. Режага кўра, намойишлар 15 апрелдан бошланиши ва шу йилнинг 29 мартида ўтказилган президентлик сайловлари натижалари эълон қилинмагунга қадар давом этиши керак эди. Бироқ, амалдаги президент Роберт Мугабенинг мамлакатда ҳарбийлар назорати кучайтирилиши ҳақидаги буйруғи, шунингдек, халқ орасида ҳукуматнинг қўллаши мумкин бўлган жазо чоралари хусусида тарқалган миш-мишлар одамларни қўрқувга солиб, намойишлар ўтказилишининг олдини олди. Расмий маълумотларда айтилишича, 29 мартда бўлиб ўтган парламент сайловларида Мугабе бошчилигидаги «Зимбабве Африка миллий иттифоқи-ватанпарварлик фронти» партияси парламентдаги кўпчилик овоздан маҳрум бўлган. Чунки «Демократик ўзгаришлар учун ҳаракат» мухолифатчи партияси кўп овоз тўплаб, ундаги ўринларнинг ярмини эгаллаб олган. Парламент сайловлари билан бир кунда президентлик сайловлари ҳам бўлиб ўтган. Мухолифатчиларнинг фикрича, президентлик сайловлари натижаларининг эълон қилиниши амалдаги президент Роберт Мугабе томонидан атайин чўзилмоқда. Уларнинг ҳисобича, мухолифат номзоди Морган Тсвангираи сайловларнинг биринчи босқичидаёқ 50,3 фоиз овоз йиғиб, ғалабага эришган. Ўз навбатида Мугабе тарафдорларининг таъкидлашича, сайловларда ҳеч бир номзод етарли овоз тўплай олмаган. Шу боис улар иккинчи босқич ўтказилишини талаб қилишмоқда.

1980 йилгача Зимбабве Буюкбританиянинг мустамлакаси бўлган. Амалдаги президент 84 ёшли Роберт Мугабе айнан шу йили, мамлакат ўз мустақиллигини эълон қилганда ҳокимият тепасига келган. Сўнгги йиллар давомида Зимбабве иқтисоди қатор инқирозларга учради. Расмий маълумотларга кўра, ҳозирги кунда инфляция даражаси бир йилда 100000 фоизни ташкил этган. Аҳолининг 80 фоизи ишсиз.

# Аэропортдан бозорга



Конгонинг Гома шаҳри марказида қулаган самолёт бортидаги аксарият йўловчилар омон қолишган экан. «Reuters» ахборот агентлигининг хабар беришича, «Hewa Bora» авиакомпаниясига қарашли «DC-9» русумли ҳаво кемаси бортида 79 нафар йўловчи билан ҳалокатга учраган. Гома аэропортидан ҳавога кўтарилаётган самолёт тўсатдан бошқарувни йўқотиб, учиш тезлигига ета олмай, учиш-қўниш йўлидан чиқиб кетган. Натижада аэропорт ҳудудини ўраб турувчи тўсиқларни бузиб, одамлар гавжум бозорга қулаган. Бир оз муддат ўтгач самолёт ёниб кетган. Ҳаво кемаси бортидаги 79 нафар йўловчидан 21 таси ҳалок бўлган. Парвозлар хавфсизлиги бўйича мутахассисларнинг таъкидлашича, Конго ҳаво хавфсизлиги стандартларини қўпол равишда бузадиган қоидабузарлардан биридир. Сўнгги йилда мамлакатда 8 та авиаҳалокат рўй берди.

# Ибодатхонадан қурол топилди

Хитой полицияси Тибет билан чегарадош Ганьсу вилоятида жойлашган олтита буддистлар ибодатхонасида тинтув ўтказиб, портловчи модда ва қурол-аслаҳа топдилар. «Reuters» ахборот агентлигининг хабар беришича, энг катта ибодатхонада 10 кг тротил, бешта детонатор ва яна бошқа қуроллар аниқланган.



Қолган ибодатхоналарда эса мустақил Тибет байроқлари, патрон ва совуқ қуроллар топилган. Ушбу ибодатхоналар Хэнзо шаҳрида жойлашган. Бу ерда жорий йилнинг март ойида Тибет мустақиллигини талаб қилган тибетликларнинг норозилик намойиши бўлиб ўтган эди. Айрим жойларда полиция ва намойишчилар ўртасида тўқнашувлар рўй берган. Ўшанда Ганнан ҳудуди ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари томонидан жами 2204 киши, улардан 519 та будда руҳонийлари ҳибсга олинган. Кейинчалик жиддий ҳуқуқбузарликларни содир этмаган 1870 та фуқаро, жумладан 413 руҳоний қўйиб юборилган. Тибет мустақиллиги тарафдорлари Хитой ҳукуматини қуролланмаган намойишчиларга нисбатан куч ишлатганликда айблади. Ўз навбатида Хитой расмийлари тибетликлар намойиши аввалдан пухта тайёрланганлигини ва Ҳиндистонда қувғинда яшаётган Далай-лама томонидан бошқарилганини таъкидлашди.

# Янги кон — янги заҳира

Бразилиянинг «Petrobras» миллий нефт компанияси «Кариока» ҳудудида катта нефт заҳирасини кашф этди. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, янги кондаги нефт заҳираси 33 миллиард баррел атрофидадир. Агарда ушбу заҳираларнинг мавжудлиги исботланса, янги кон сўнгги 30 йил ичида дунёда кашф этилган катталиги жиҳатдан учинчи ўринда турувчи топилмага айланади.

2008 йилнинг 14 апрель куни топилма ҳақида эълон қилинганида «Petrobras» компаниясининг акциялари нархи Нью-Йорк биржасида 8,27 фоизга ошди. Сан Пауладаги биржада эса «Petrobras» акциялари 5,9 фоизга кўтарилди. Эслатиб ўтиш жоизки, 2008 йилнинг 22 январида «Petrobras» компанияси йирик табиий газ конини кашф қилганди. Мазкур конга «Юпитер» деб ном қўйилган. Ундаги газнинг ҳажми хусусида компания раҳбарияти аниқ маълумот бермаганди. Лекин 2007 йилнинг ноябрь ойида топилган «Тупи» нефтегаз конидан кўплигини айтиб ўтишган. Эътироф этиш жоизки, шу кунга қадар «Тупи» сўнгги 20 йил ичида Бразилияда аниқланган энг катта топилмадир.



# Ёнилғи танқислиги



Ғазо секторидаги тўртта университет ёнилғи таъминланишидаги узилишлар туфайли юзага келган оғир вазият боис ўз ишини тўхтатди. Ислом университети ректори Аль Камолиддин Саатнинг таъкидлашича, ёнилғи танқислиги туфайли талаба ва ўқитувчилар машғулотларга вақтида етиб кела олмаяптилар. Сўнгги кунларда университетнинг 20 минг талабасидан 30 фоизи машғулотларга кела олмаган. Олийгоҳларнинг фаолияти шанба кунга қадар тўхтатилган. Олий таълим муассасалари маъмурияти масофали таълимнинг янгича усулларини қўллаш ниятларини билдиришди. Эндиликда талабаларга интернет ва радио орқали таълим бериш ғоялари илгари сурилмоқда.

Исроилдан ёнилғи етказилиши қисқартирилиши Ғазо секторидаги Фаластин дистрибюторларининг норозилигини келиб чиқишига сабаб бўлди. Дистрибюторлар норозилик белгиси сифатида ёнилғи сотишдан бош тортишди. Таъкидлаш жоизки, Яқин Шарқ муаммоси ҳамон ўз ечимини топгани йўқ. Жаҳон ҳамжамияти томонидан қилинаётган саъй-ҳаракатлар ҳали ҳам самара бермаяпти, деб хабар қилади «Associated Press» ахборот агентлиги.

# Германиялик вундеркинд



13 ёшли германиялик ўқувчи Нико Маркардт NASA космик агентлиги ҳисоб-китобларидан хато топди. Болакай Постдам астрофизика институтининг маълумотларини қўллаб, 2029 йилда Апофис астероидининг ер билан тўқнашиши мумкинлиги даражаси NASA олимлари башорат қилганидан кўра юқорироқ эканлигини аниқлади. Аввалроқ, космик агентлиги маълум қилганидек, Апофис астероиди 2029 йилнинг 13 апрелида жуда хавфли масофада (32,5 минг километр) ерга яқинлашади. Агарда астероид диаметри 400 метр бўлган «гравитацион қулф қувури»дан ўтиб, ўз ҳаракат траекториясини ўзгартирса, у ҳолда 2036 йилда Ер билан навбатдаги яқинлашишида сайёрамизга қулаши мумкин.

NASA олимлари бу воқеа рўй бериши мумкинлигини қирқ беш мингдан бир фоизга тенглаштирдилар. Бироқ, экспертлар тўғри деб тан олган Маркардтнинг ҳисобларига кўра, бу ҳолатнинг юз бериши эҳтимоли юз баробар кўпроқдир. Экспертлар ҳам, болакай ҳам бир нарсада якдиликка келишган. Агарда Апофис бизнинг сайёрамиз билан тўқнашса, у ҳолда атмосферани диаметри 320 метрлик оловли шар ёриб ўтиб, Атлантика океанига қулайди. Натижада ўта катта цунами ҳосил бўлиб, жуда катта ҳудуд сув билан қопланади. Бундан ташқари, бир йил давомида қуёш нурини ўтказмайдиган зич чанг булути кўтарилади.

2007 йилнинг ёзида Британиянинг «Аструм» компанияси юз бериши мумкин бўлган фалокатни олдини олишга ёрдам берадиган «Апекс» аппаратини ишлаб чиққан эди. Лойиҳага кўра, 2014 йилда мазкур аппарат Апофисга яқинлашиб, унинг атрофида айланиб, астероид тўғрисида ахборот йиғади. Кейинчалик эса ушбу маълумотлардан космик жисм орбитасини ўзгартиришда фойдаланиш мумкин бўлади, деб хабар қилади «France Presse» ахборот агентлиги.

«Internet» хабарлари асосида Алишер МУРОДОВ тайёрлади

